Библиотека Стамбулского университета, рукопись № 3743 (İstanbul Üniversitesi kütüphanesi No: 3743). Текст рукописи переписан средним настаъликом по два столба на каждой странице. Черновой вариант; переписан простым способом, некоторые места зачёркнуты [9, 20]. 105 листов. Место переписки, время и каллиграф не указаны. Эта рукопись тоже составлена не как диван, жанры даны вперемешку. Но экземпляр считается самым полным из собраний стихов Бабура. Он состоит из «Рисолаи Волидия», 121 газели, 8 месневи, 211 рубаи, 53 муамма, 18 китъа, 15 туюк, 79 матлаъ и маснуъ, а также прозаических отрывков.

4. دیوان سلطاالاعظم بابر میرزا

Стамбул, библиотека Раван дворца Топкапи, рукопись № 2314 (Topkapı Sarayı Revan kütüphanesi no: 2314). Рукопись переписана настаъликом по два столба на каждой странице. Страницы украшены позолотой и таблицами. Дата переписки и каллиграф неизвестны. По некоторым признакам её тоже можно отнести ко второй половине XVI века. В ней также не соблюдён порядок составления дивана, и она состоит из 113 газелей, 12 месневи, 139 рубаи, 57 муамма, 14 китъа, 13 туюк и нескольких незаконченных стихов.

5. دیوان میرزا بابر

Городская библиотека Стамбула, отдел рукописей Муаллима Джавдата, рукопись № 332 (İstanbul 100. Yıl Atatürk Kitaplığı (Belediye Ktb.) Muallim Cevdet yazmaları K. 332). Текст рукописи переписан таъликом на желтоватой бумаге. Страницы рукописи украшены позолоченными цветными таблицами. 74 листа. Дата и каллиграф не указаны. Этот источник тоже не составлен в порядке как

[1] Рубаи, начинающийся со слов: *«Ҳар вақтики, кургасен менинг сўзумни. Сўзумни ўқуб соғингайсен ўзумни....»* - Бабур написал своей рукой. Написав этот стих, он отправил её рукопись своему старшему сыну Мухаммад Хумаюн Мирзе. Это подтверждено в «Бабурнаме» (357бс.), а также и Байрамханом.

диван. В нём даны 84 законченных и 8 незаконченных газелей, 12 месневи, 136 рубаи, 57 муамма, 15 китъа, 13 туюк и несколько незавершенных стихов.

6. **دیوان بابر پادشاه**

Индия, музей Салардженг Хайдарабада, рукопись № 4 (India, Salar Jung State Library No: 4) [16, 49-51]. Текст рукописи переписан мелким и ровным настаъликом по два столпа на каждой странице. Страницы не украшены. Каллиграф неизвестен. Переписан в XVII веке. Эта рукопись тоже составлена не в традициях дивана. В ней размешены 90 газели, 31 рубаи, 2 туюка и 3 фарда (под некоторыми строчками на персидском написаны их значения).

7. **دیوان بابر پادشاه**

Индия, музей Салардженг Хайдарабада, рукопись № 18 (India, Salar Jung State Library No: 18) [16, 49-51]. Текст рукописи переписан двумя столбами на каждой странице, каждый стих разделён словами «ва лаху» (и это тоже). 23 листа. Каллиграф – Али Катиби. Переписан в 1188 году хиджры (1774 г.). Эта рукопись тоже составлена не как классический диван. В ней размещены 89 газелей, 65 рубаи, 11 туюк, 1 китъа, 49 фарда и 10 месневи (лист 1^6 начинается с надписи *«Мин маколати Хазрат ал-аъло»* и продолжается газелями, значение многих строк которых своим почерком прокомментировал другой каллиграф). После дивана в рукописи размешено произведение Алишера Навои «Мухакамат-ул-лугатайн» (Л. 29-43).

8. دیوان بابر پادشاه

Лондон, Библиотека Британского музея, рукопись № D.P.1402. (London, The British Library D.P. 1402, Turki Ms 25) [17, 14-20]. Текст рукописи переписан красивым настаъликом двумя столбцами черными, а заглавия красными чернилами. На полях некоторых страниц написаны стихи. Источник не украшен. Каллиграф – Хаят Али. В заключительной части отмечается, что она переписана по приказу Бабурида по имени Аджит Синх Джайб Бахадур в 1190 году хиджры (1776 г.). Диван: 32л. Размер рукописи – 11,5-20 см.; размер текста 7-14 см. В этой рукописи также даны два дивана Тимуридов Султана Хусейна Мирзы и Султана Маъсуда Мирзы Шахи. Эти диваны тоже переписал Хаят Али и собрал в одном томе.

Значение данного источника заключается в том, что в нём впервые была сделана попытка дать стихи Бабура в порядке традиционного классического дивана: каждый редиф озаглавлен своей буквой (*маснавият, рубаият, фардият-муфрадот, китъаот*). По нашему предположению, это осуществлено каллиграфом. В рукописи даны 88 газелей, 4 месневи, 1 маснуъ, 76 рубаи, 2 китъа и 29 фарда (в части “Фардият” вперемешку даны муамма).

9. **بابر دیوانی**

Фонд Государственного музея литературы им. Алишера Навои АН РУз, рукопись № 317. (Создание этого источника была по предложению проф. С. Хасанова.) Текст переписан на кокандской бумаге светло-бежевого цвета и русской фабричной разноцветной бумаге. Переписан ровным настаъликом чёрными чернилами. На страницах использованы позолоченные цветные и обычные таблицы. В ней даны 121 газели, 196 рубаи, 9 месневи, 52 муамма, 19

китъа и 1 фард. Каллиграф – Тухтамурад сын усто Усмана Зуфари Шаши. Переписан в Ташкенте в 1996 году. Размер рукописи: 12-20 см. Размеры текста: 7,5-14; 6-13; 9-15см. В твёрдом переплёте красного цвета с тремя медальонами. (В медальоне написано имя сахаффа-переплётчика: Мир Мухаммад, дата 1274).

10. Ещё об одной рукописи дивана даёт сведения в своём диссертационном исследовании туркменский учёный Р. Куренов [18]. По его словам, в Национальной библиотеке Исламабада (Пакистан) хранится рукопись дивана Бабура под номером 3. Хотя в этой диссертационной работе подразумевалось текстологическое исследование дивана Бабура, в ней полностью не было осуществлено изучение всех рукописей, и вследствие неосведомлённости об многих материалах, полной и всеобъемлющей работы проведено не было.

* * *

В процессе изучения вышеупомянутых рукописей мы пришли к таким выводам: А) они в основном переписаны между XVI-XVIII веками (кроме Ташкентского экземпляра); Б) ни один из них в полном понимании не имеет классическую форму дивана традиционного составления; В) в них, в первую очередь, сильно просматривается то, что они являются собранием черновиков (мусаввада) стихов поэта для составления дивана; Г) среди них есть богато оформленные некоторые экземпляры, которые считаются с точки зрения источниковедения и текстологии самыми почитаемыми в бабуроведении; Д) почти все эти рукописи переписаны ровным и красивым почерком (в основном, настаъликом).

Поскольку это так, то возникает естественный вопрос – «Создал ли Бабур собственноручно диван?» [19; 20; 21, 41-43].

Известно, что в полном смысле слова в классической литературе иметь свой диван считается для поэта элементом полного овладения классической литературой. И это требует от поэта большой ответственности и таланта. Составление дивана имеет многовековую традицию, и поэт, только полностью освоив ее, может приступить к этой работе.

Мы считаем, что не изучив взгляды Захириддина Мухаммада Бабура на этот вопрос, не изучив рукописи его дивана, правильно ответить на этот вопрос не представится возможным.

Поэтому будет приемлемым сделать научный вывод из изучения теоретических взглядов автора по поводу создания Бабуром своего дивана.

Можно сказать, что Бабур имеет свой подход к составлению дивана.

Однако нам не известны полные записи Бабура, отражающие его научные взгляды по поводу составления дивана, хотя у него есть специальное научное произведение об арузе, с теоретическими взглядами на науку аруз. [22; 23]

Но среди его записей есть некоторые места, посвящённые данной проблеме, посредством которых мы можем судить, что автор имел в этой области совершенные знания. В нижеследующем рубаи он говорит так:

Девонима не работу не тартибедур
Не жадвалу не лавҳу не тазҳибедур
Гар санга йибардим ани, айб айламаким,

Девонингни тиларга тақрибедур.

(Дивану моему ни связи ни порядку
Ни таблицы, ни пюпитр, ни тазхиб.
Если отправил его тебе, необессудь
Твой диван близок к людской молве.)

А в одном месте «Бабурнаме» он пишет: «Я отправил свой диван хакиму Самарканда Фулад Султану». [24, 174] Это событие произошло, когда он был в Кабуле, точнее, около 1518 года. Исходя из этого, можно сказать, что поэт в это время начал составлять первые черновые варианты своего дивана.

Однако когда же написан приведённый рубаи? До 1518 года или позже? У кого же Бабур спрашивает взамен диван за свой диван? Зачем он считает недостатки своего дивана и в чём их «айб» («вина»)?

Действительно одно четверостишье порождает столько вопросов?

Но сейчас очень трудно найти ответы на все эти вопросы. Особенно вопрос, кому он был направлен, остаётся открытым, пока на это не ответит какой-нибудь источник.

Однако, если обратить внимание, Бабур в первую очередь утверждает, что он полностью не успел составить свой стихотворный сборник в рамках традиционного классического дивана. И этот рубаи был написан в 1518 году, то есть после отправления Фуладу Султану первого литературного сборника.

Есть причины того, что мы пришли к этому выводу.

Прежде всего, текст этого рубаи встречается только в трёх экземплярах дивана, хранящихся в Стамбуле. Во-вторых, первый из этих источников, как мы уже утверждали прежде, экземпляр Стамбульского университета считается вобравшим в себя самое большое количество стихов Бабура. Вышеприведённый рубаи расположен на листах рукописи 67^{b}-68^{a}. Также именно этот экземпляр послужил основой для двух последующих источников, которые хранятся в Стамбуле.

Вопрос в том, что отсутствие этого рубаи в самых почитаемых диванах Бабура: Рампурском (Rampur Library of Risa, № 19) и Парижском (Bibliotheque Nationale, Suppl. Turc. 1230) экземплярах указывает, что он относится к более позднему периоду жизни поэта (после 1520 года). Потому что упомянутый экземпляр Стамбульского Университета с точки зрения составления дивана напоминает собрание стихов Бабура. Даже по некоторым каллиграфическим признакам на некоторых страницах турецкий учёный Б. Южел выдвигает предположение, что в нём присутствует автограф самого автора [9, 20]. Однако с этим полностью согласиться нельзя. Ибо мы выше подтвердили, что автограф Бабура присутствует только в Рампурском экземпляре дивана. Эта мысль нашла своё подтверждение в сопоставлении текстов Стамбульской рукописи с автографом Бабура из Рампурского экземпляра. Вдобавок к этому, создание Стамбульского источника приходится ко второй половине XVI века.

А теперь вернёмся к основной проблеме, главное в том, что Бабур в этом своём рубаи напоминает о важных элементах составления дивана. А именно

здесь автор, хотя и вкратце констатирует элементы, которые служат формам и теоретическим основам составления дивана.

Значит, по мнению Бабура, необходимо следующее для того, чтобы форма дивана была полной:

1. **ربط** (Рабт) – этот термин приводится в значении «связь» и «строение». Исходя из этого, во внутренней структуре дивана должна быть дисциплина, то есть взаимосвязь: сперва должно иметь место «дебоча» (вступление), затем «хамд» (хвала Аллаху), «мунаджат» (просьба Аллаху) и «наът» (восхваление пророка Мухаммада).

2. **ترتب** (*Тартиб* – порядок) – значение этого термина известно. Только в этом отношении поэт имеет в виду последовательность букв алфавита и жанров стихотворений дивана.

3. **جدول** (*Джадвал*) – этот термин применялся много в книжном искусстве средних веков [25, 103] и считался очень важным (иногда приходит в форме «джазвал»). Джадвал является одним из самых часто используемых художественных украшений. Он может быть простым, изящным и позолоченным. Джадвал может обрамлять одну или две страницы текста рукописи. Если текст одной страницы состоит из нескольких столбов, то каждый столбец отделяется друг от друга линиями джадвала. В диванах и баязах каждый стих обрамляется в джадвал. Простой джадвал, обрамляющий текст, в большинстве случаев представляет собой красную одноцветную линию, изящный джадвал с очень тонкой двух-, трёх-, четырёхцветными линиями; одной или несколькими позолоченными линиями.

4. **لوح** (*Лавх, Лавха*) – этот термин используется в книжном искусстве также довольно часто [25, 141]. Это слово используется в нескольких значениях, относительно тех предметов, которые они выражают. Однако здесь он приводится как один из главных художественных украшений восточного книжного искусства. Лавх может быть применен вначале рукописи, а если она состоит из нескольких произведений, вначале каждого из них, а иногда и в начале глав и частей. Лавх состоит из узора на половину страницы начала текста или одну треть ее высоты. В XIV-XVI веках в восточном книжном искусстве в лавхе в основном использовалось позолота. Лавхи рукописей XVII-XIX веков выделяются в основном простыми красками.

5. **تذهيب** (Тазхиб) – этот термин тоже активно применялся в древнем книговедении Востока [25, 301]. Тазхиб – украшение рукописей позолотой. В большинстве поля некоторых рукописей украшались опрыскиванием позолотой. Такие поля назывались «тазҳиби ҳошия» («тазхибными полями»).

Итак, если обратить внимание на приведенный выше рубаи, то считается важными или достаточными утверждаемые Бабурам **пять терминов**, для полного завершения дивана и доведения его до читателя.

Если посмотреть на третью строку рубаи *«Гар санга йибардим ани, айб айламаким»* («Я отправил его тебе, не сочти его недостатки»), хотя пять основных элементов «рабт», «тартиб», «джадвал», «лавх» и «тазхиб» в нем не присутствуют, он просит: «Не сочти своего дивана виноватым».

В свою очередь, по причине этого он приводит *«Девонингни тиларга тақрибедур»*, то есть он отправляет этот рубаи другому поэту-создателю дивана, дабы с намерением взамен своего незаконченного дивана попросить у него его сборник.

Выявляется, что полностью ещё не составленный и законченный диван Бабура имел славу. Почитатели автора, с намерениями быстрейшего ознакомления с диваном, просили у Бабура дать его почитать, хотя диван ещё не был завершён.

Из рубаи Бабура можно сделать следующие теоретические заключения, связанные с составлением дивана. Если первые два термина «рабт» и «тартиб» связаны со структурой дивана, то «джадвал», «лавх» и «тазхиб» связаны с образом дивана, то есть термины, связанные с художественным оформлением рукописи.

Значит, ***диван*** должен иметь, с точки зрения текста Бабура, твердый внутренний порядок (последовательность букв алфавита, поочередность *кафия-редифов*, последовательность жанров; наличие *дебоча, хамд, муножат* и *наът*), а затем его рукопись связана с уместным применением указанного внутреннего художественного оформления. Необходимо ещё напомнить и то, что встречается много экземпляров дивана простых, без художественного оформления. Однако здесь уместно иметь в виду, что Бабур был правителем и творцом с высоким эстетическим вкусом.

Выявляется, что Бабур предстает перед нашим взором как поэт, стремившийся показать грани своего своеобразного творчества в составлении совершенного своего дивана, отвечающего требованиям классического дивана. Его взгляды на составление дивана ещё раз подтверждают, что он в совершенстве знал традиции составления классического дивана, как обладателя опыта и мастерства, талантливого творца.

Значит, Бабур ещё при жизни не успел окончательно составить свой диван в форме классического традиционного дивана. Только рукопись дивана *«Девони Бобур подшох»*, хранящаяся в библиотеке Британского музея, отвечает форме дивана. Однако и он был переписан каллиграфом в 1190 году хиджры (1776 г.) и, как мы уже указывали выше, был составлен переписчиком. До сих пор неизвестен совершенный экземпляр поэта, полностью отвечающий требованиям бабуроведения, составленный по канонам классического дивана.

В результате активного интереса к творчеству Бабура, в XX веке были отдельные попытки привести его лирические произведения в форму дивана. До сегодняшнего дня образцы поэзии Бабура были изданы несколько раз в различном виде. Здесь можно перечислить имена исследователей как Ф. Купрули [4], А. Самойлович [5], А. Каюмов [6], С. Хасанов [7], Ш. Яркин [8; 26], А. Абдугафуров [27], Б. Южел [9] и другие.

Многие из этих и других изданий имеют в основном популярный характер, из которых два выделаются научностью – осуществлённые афганской ученой Шафика Яркин и турецким ученым Билалом Южелом, исследовательские

публикации относительно полны и снабжены некоторым научным аппаратом. Они в определенной степени обладают свойствами критического текста.

Однако можно утверждать, что они тоже нуждаются в совершенном научном комментарии, не полностью охватывают поэзию поэта и достоверного текста. Потому что:

1) Ш. Яркин и Б. Южел к своим исследованиям не привлекли экземпляры дивана Бабура из Хайдарабада, Лондона, Исламабада и Ташкента;

2) эти издания в полном виде не приведены в форме традиционного классического восточного дивана;

3) хотя в текстах обоих изданий (особенно издание Б. Южела) показаны несколько различий между рукописями, они не полны, потому что использованы не все экземпляры и принципы научно-критического (или сборно-сопоставительного) текста.

В результате ознакомления с диваном Бабура и проведения исследований мы убедились в том, что весьма необходимо создание научно-критического текста дивана поэта.

Однако, пока у нас в руках не окажется оригинал дивана Бабура, невозможно осуществить научно-критический анализ его текста. Неизбежны вопросы, в каком порядке автор составлял свой диван, соблюдал ли правила традиционного классического дивана.

Выше было утверждено, что все приведённые рукописи с краткими описаниями – это собрания стихов для создания дивана, или их поздние переписанные некоторые экземпляры. Также единственный экземпляр, переписанный при жизни Бабура (Рампурский экземпляр) тоже составлен не как диван.

В создавшейся ситуации наиболее достоверен **сводно-сопоставительный текст**.

Важнейшей проблемой современного бабуроведения является издание стихов Бабура в форме *«сахих»* (исправленно-достоверных) текстов, с учётом различий между их рукописями, своеобразия размещения стихов, использования слов в различных формах, создания текста на основе единой системы и его сопоставлении. Ввиду этого стало целесообразным создать такой текст.

Всего в него вошли произведения на узбекском и персидском: 125 газелей (2 незаконченных), 2 маснуъ (1 таржеъ-маснуъ), 14 месневи, 30 китъа, 17 туюк, 124 фард (+9), 57 муамма, 230 рубаи, 1 таърих.

Также в составе дивана заняли место стихи (месневи, рубаи, китъа и фарды) автора из «Бабурнаме» и «Аруз рисоласи». Так как Бабур приводит в «Бабурнаме» время написания нескольких стихов и их тексты (первое двустишье газелей).

В построении дивана должны быть собраны все лирические стихи автора, формируясь в единый сборно-сопоставительный текст. А название в тексте поэтических очерёдностей (так, как, к примеру, *«радифул-бо ал-муваҳҳид», «радифут-те»*) и построение (как *газалият, рубаият, маснавият*) даются по

Лондонскому экземпляру. В действительности только в этом диване сохранён порядок составления классического дивана.

Персидские стихи Бабура займут место в приложении. Они следующих жанров: газель (2), рубаи (10), китъа (8), таърих (1), фард (15). Наряду с этим, уместно приведение отрывка «санъатли рубоийлар» («рубаи с искусством») встречающихся в экземпляре дивана Стамбульского университета, два письма, связанных с проблемами художественности и вступительные двустишья некоторых отдельных бейтов (9).

Межтекстовые изменения, различия и разнообразное приведение слов в сводно-сопоставительном тексте встречаются часто. Почти что каждый стих не свободен от них. А посредством их возникает возможность бросить взгляд на творческую лабораторию поэта на основании текстологии ещё более глубокого исследования лирики поэта. Для науки очень важно определение места каждого стихотворения в рукописях, показ их различий на каждой странице и снабжение их таким множеством подстрочных комментариев.

Десятки ошибок в тексте дивана выявляются только в сопоставлении между собой. Например, некоторые изменения бейта газели проявляются в сопоставлении рукописей. Обратим внимания на газель с редифом *«Топилмас» («не найдётся»)*. В двух рукописях дивана Бабура, хранящихся в Стамбуле, одно выражение в этой газели *«жинси башар»* дано в виде *«хусни башар»*.

«Башарият» («человечество») – приемлемое описание возлюбленной как достойной степени красоты человечества. Однако, по значению стиха, возлюбленная по своей красоте прекрасная как *пери* «башар жинси» - среди людей не найдется.

Изменения и различия в тексте встречаются не только в различных словах, но и в полных строках. Скажем, во втором бейте газели с редифом «Қилгудек» («сделавший») в Парижском, Лондонском и Хайдарабадском экземплярах читаем:

Кўнглумизга жаври беҳад қилди ул номеҳрибон,
Жонима юз минг ғаму меҳнатни ҳосил қилғудек -
(В душе нашей сделала мук безмерно немилосердная,
Как духу моему, создав сто тысяч печалей)

А в трех рукописях в Стамбуле:

Кўнглуму кўзум юзига волиҳу ҳайрон бўлдим,
Жонима юз минг ғаму меҳнатни ҳосил қилғудек -
(Душа моя, глаза мои удивленно очарованы ее лицом,
Как духу моему, создав сто тысяч печалей)

В таких случаях в первую очередь с точки зрения старинности и достоверности берется первый вариант бейта. А второй вариант указывается под текстом.

Или в газели, начинающейся со слов *«Сочию кўзию қошидин бошта ҳаводур»*, бейт:

Ишқ ичра ёшурғон юраким қонини, ваҳким,
Бу сели сиришким бори оламға яёдур...

(В любви спрятала кровь моего сердца,
Льет потоки слез всему свету)

дан пятым, и он дан только в экземпляре Стамбульского университета. Кроме этого, в самом тексте газели есть несколько различий.

Однако мы далеки от претензий на то, что вопрос окончательного решения того, какие редактирования в экземпляре рукописи сделал автор, а какие – каллиграф, только исходя из времени создания (переписывания) рукописи, можно высказать предположительные мнения.

Хотя это так, в результате последовательного ознакомления с текстом появилась возможность ещё поближе ознакомиться с такими качествами лирики Бабура, как её оригинальность, своеобразие приёма, мастерство применения слов, красота поэтических сравнений.

Имея в виду эти и другие свойства, целесообразны указания в комментариях под текстом, в каких экземплярах рукописей приводятся каждая газель, месневи, рубаи и стихи других жанров поэзии.

Например, обратим внимание на те рукописи, в которых есть газель, начинающаяся со строфы *«Келтурса юз балони ушал бевафо манга»* («Принесла мне та неверная сто бед»). Сначала ставится условное название рукописного фонда, источник и номер листа газели. К примеру: İU (рукопись Стамбульского университета) – 18^{a}, İT (Стамбул, Топканский музей) – 5^{a}, İMC (Стамбул, Муаллим Джавдет) – 6^{a}, P (Парижский экземпляр) – 7^{b}, L (лондонский экземпляр) – 2^{a}. Если газель не значится в экземпляре, тогда «–» (означает «нет»). К примеру: R (Рампурский экземпляр) –, H1 (Хайдарабадский первый экземпляр) –, H2 (Хайдарабадский второй экземпляр) –.

На самом деле, ни в какой рукописи стихи не пронумерованы. Здесь для сохранения точности текста и в целях создания удобства для читателей они будут пронумерованы и взяты в квадратные скобки []. Согласно принципам составления сводно-сопоставительного дивана, в качестве опорного экземпляра выбираются экземпляры P и İT, а с точки зрения составления классического традиционного дивана – экземпляр L. Другие экземпляры рукописей рассматриваются как вспомогательные. Различия слов и некоторых строф текста рукописей указываются в сносках под текстом.

Необходимо внести ясность еще по одному вопросу. В действительности, в соответствии с требованиями текстологии, научно-критический и сводно-сопоставительный текст тоже создается на том виде письменности, на котором создан сам текст (то есть, на арабской письменности).

Делая вывод, можно сказать, что целью проведения текстологических исследований лирики Бабура является создание самого полного («мукаммал») и достоверного («сахих») собрания его дивана, используя надежные рукописные источники и по мере возможности избегая текстологических ошибок.

Литература

1. Абдуғафуров А. Бобур девони қўлёзмасининг Баламкада нусхаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1997. – № 4.

2. Абдуғафуров А. Заҳириддин Муҳаммад Бобур : Девон. – Тошкент : Фан, 1994.
3. Азимджанова С. Индийский диван Бабура. – Ташкент : Фан, 1966.
4. Захираддин Мухаммад Бабур. Трактат об арузе : факсимиле рукописи / изд. текста, вступ. ст. и указ. И. В. Стеблевой. – Москва : Наука, 1972.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов. – Тошкент : Шарқ, 2002.
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобир : Мухтасар / нашрга тайёрловчи: С. Ҳасан. – Тошкент : Фан, 1971.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси (қайта ишланган иккинчи нашр). – Тошкент : Sharq, 2017.
8. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент : Шарқ, 2014.
9. Жўрабоев О. Бобур девон тузганми? // ЎзАС. – 2018. – №8.
10. Жўрабоев О. Бобур девонининг саҳиҳ матни борми? // ЎзАС. – 2017. – №7.
11. Жўрабоев О. Бобурнинг нечта девони бор? // Til va adabiyot ta'limi. – 2018. – №2.
12. Каюмов А. Бобир : Асарлар. – 1-ж : Девон. – Тошкент : Бадиий адабиёт, 1965.
13. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент : Ўрта ва Олий мактаб Давлат нашриёти, 1963.
14. Самойлович А. Н. Собрание стихотворений императора Бабура : Часть 1. – Петроград, 1917.
15. Ўзбек адабиёти тарихи : Беш томлик, III том. – Тошкент : Фан, 1978.
16. Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. – Тошкент : Davr Press, 2013.
17. Хасанов С. Бобир шеъриятидан. – Тошкент : ЎзКП Марказий нашриёти, 1982.
18. Хасанов С. Заҳириддин Муҳаммад Бобур : Маҳрами асрор топмадим... (Париж девони нусхаси). – Тошкент : Ёзувчи, 1993.
19. Хасанов С. О Хайдарабадской рукописи дивана Бабура // Общественные науки в Узбекистане. – 1979. – № 12.
20. Azizuddin Husayn. Diwani Babur. – India, Rampur : Raza Library, 2014.
21. Babür divanı : Gramer, Metin, Sözlük, Tıpkıbasım / hazirlayan: Dr. Bilal Yucel. – Ankara, 1995.
22. Diwan-i Babur / with preface by E. Dennison Ross. – Calcutta, 1910.
23. Kardas S. Raza library catalogue of Turkish manuscripts // The Journal of International Social research. – Volume 6, Issue 28. – Fall 2013. – P. 200-209.
24. Kurenov R. A. Zahyreddin Muhammet Babyryn «Diwanynyn» tekstologik dernewi : filologiya ylymlarynyn kandidaty alymlyk derejesini almak ucin Dissertasiyanyn awtoreferaty. – Asgabat, 2016.
25. محمد فواد كوپريلوزاده. بابرشاهنگ شعرلری.ملی تتبعلرمجموعه سی، 1-2 جلد،استنبول،1331
26. 1362 ديوان ظهيرالدين محمد بابر با مقدمه،مقابله وتصحيح شفيقه يارقين. كابل
27. دريادرگوهر (ديوان كامل ظهيرالدين محمد با مقدمه،مقابله وتصحيح:دكتورشفيقه يارقين. كابل،1387 بابر)

© **Журабоев О. Р.,** 2020

И. М. Жураев (И. М. Жўраев),
ФарДУ табиий йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси ўқитувчиси,
Фарғона шаҳри (Ўзбекистон)

Аннотация: В статье приводится подробный анализ взглядов Бабура на преемственность власти. На основании творчества Бабура автор статьи также описывает особенности социально-экономического развития общества исследуемого периода. Мемуары Бабура являются важным источником не только по истории Центральной Азии, но и мировой социально-политической истории. Из произведений Бабура мы узнаем об основах средневековой государственности, экономической политики, системе управления обществом и просветительско-нравственных ориентирах того времени. При этом события, описанные в «Бабур-наме», отличаются неповторимой художественной достоверностью и широтой охвата идей.

«БОБУРНОМА» ДА МАИШИЙ ТАНАЗЗУЛ ВА ИЖТИМОИЙ ИНҚИРОЗ МАСАЛАЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур умри давомида адолат мезонлари асосида фаолият юритишга интилган. «Катталар кўтаримли бўлиши керак» деган шиорга оилавий масалаларда ҳам, давлат бошқарувида ҳам мунтазам амал қилганлиги “Бобурнома”даги кўплаб лавҳаларда ўз аксини топган. «Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб, хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болликда олган тарбияларига боғлиқ», – деб ёзган эди XX асрнинг машҳур маърифатпарварларидан бири Абдрауф Фитрат. Бобур ўз ҳаётий фаолияти давомида кўплаб темурийларнинг таназзули оилавий-маиший турмуш тарзи туфайли рўй берганлигининг гувоҳи бўлди.

Темурийлар орасида Шоҳрух, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаролар давлатни марказлаштириш ва мамлакатда тинчликни таъминлаш, маърифий ишларни ривожлантиришга ҳаракат қилдилар. Аммо бошқа шаҳзодалар орасидаги қонли курашлар Шайбонийхон қўлининг баланд келишига ва темурийлар салтанатининг Туронда тугатилишига олиб келган. Биргина Бобур мирзогина Амир Темур васиятларига содиқ бўлганлиги, энг илғор қарашларига қатъият билан амал қилганлиги учун у асос солган сулола уч асрдан зиёд ҳукм сурди.

«Бобурнома» фақат Бобур мирзонинг таржимаи ҳоли, ҳаёт йўли ва фаолияти баёнидан иборат асар эмас, балки халқимизнинг ҳали тўла ўрганилмаган ўрта асрлардаги маиший турмуши, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг тарихи ҳамдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз салтанати сиёсатини амалга оширишда ислом, шариат, тариқат, футувват илмларини тўла эгаллаш билангина эмас, балки дунёвий илмларни ҳамда сиёсат тамойилларини, ўтмишдаги давлат бошлиқлари сиёсий қарашларини, маиший турмуш тарзини ўрганиш ва ларнинг

энг мақбулларини қабул қилиш билангина муваффақиятли сиёсат юргизиш мумкинлигини англаб етган.

Бобурнинг мемуар асари нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон ижтимоий-сиёсий, адабий-маърифий тарихида муҳим манба бўлиб келмоқда. Ўрта асрлар давлатчилигининг муҳим асослари, жамиятни бошқарув тизимига доир айрим ҳаётий хулосалар, оилавий муносабатлар, маърифий-ахлоқий ўгитлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. «Бобурнома»дан ўрин олган ҳар бир йил воқеалари бетакрор бадийяти, ҳаққонийлиги, ғоялар қамрови, фалсафий-маърифий жиҳатлардан ўзига хос адабий обидадир. Шарқ адабиёти тарихида мемуар характердаги кўплаб тарихий ва бадиий асарлар яратилгани маълум. Кўплаб қалам соҳиблари ушбу мавзуга қўл уриб, давлатчилик асослари, жамиятни бошқарув масалалари билан боғлиқ муаммоларни ўзига хос йўсинда бадиий ҳамда тарихий талқин қилишга уринганлар. Аммо барча қалам соҳиблари ҳам ҳазрат Бобур сингари ҳаётийлик ва ҳаққонийлик жиҳатдан юксакликка кўтарила олмаганлар.

Бобурнинг яна бир муҳим фазилати ўзгаларнинг камчилик ва нуқсонларини ҳаққоний ва рўй-рост танқид қилишида, ўзи ҳам танқидни тўғри қабул қилишида, ўз асарлари ҳақида бошқаларнинг фикри билан қизиқишида кўринади. «Бобурнома»нинг энг муҳим хислати шундаки, унинг муаллифи нимани баён қилмасин, масалага танқидий қарай олган, асарда ўша даврдаги жамиятнинг барча ноқисликларини бирма-бир очиб берган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг энг жозибали фазилатларидан бири ҳам ҳақиқатга тик қараш, рост гапни ҳамиша айта билиш ва адолатни ёқлаш бўлган. «Бобурнома»да бу ҳақда шундай ўринлар бор: «Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикоятдурким, битибтурмен. Бу мастур бўлғонлардин мақсуд ўзнинг таърифи эмас, баёни воқеи бу эдиким таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихта андоқ илтизом қилилибтурким (қарор қилиндиким) ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеини таҳрир этилгай...» [1, 180]

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам бобокалони Амир Темур изидан бориб, бағрикенглик, кечиримлилик сиёсатига умр бўйи амал қилган. Жумладан, не-не машаққатлар билан қўлга киритилган Кобулни вақтинчалик тарк этиб, Ҳиротга кетганида холасининг эри Муҳаммад Ҳусайн мирзо ўз ўғли Мирзохонни ҳукмдор деб эълон қилади. Бобур қайтиб келгач, тахтни қайтадан тортиб олади. Хиёнатчи ва гуноҳкор Муҳаммад Ҳусайнни тутиб, олдига келтирганларида уни нафақат авф этади, балки меҳрибончиликлар кўрсатиб, шафқат қилади: «Муҳаммад Ҳусайн мирзоким, мундоқ зишт ва шаниъ ҳаракотга иқдом қилди, бу навъ шўр ва фитна ангиз ва бунёдиға эҳтимом қилди, агар пора-пора қилсам, ери бор эди, турлук-турлук азобу уқубат била ўлмакка сазовор эди, – деб ёзади “Бобурнома” муаллифи, – чун орада бир навъ уруғлуқ бўлуб эди, менинг туққон (туғишган) холам Хўб Нигорхонимдин ўғлонлари ва қизлари бор эди, бу ҳуқуқни ёд қилиб, Муҳаммад Ҳусайн мирзони озод қилдим». Аммо Муҳаммад Ҳусайн бу яхшиликларни унутиши, Шайбонийхон томонга ўтиб, яна душманлик қила бошлаши Бобурни изтиробга солади ва қуйидаги байтни келтиради:

Ту бад қунандаи худро ба рўзгор супор,

Ки рўзгор туро чокарест кина гузор.

(Мазмуни: Сен ўзингга ёмонлик қилганни турмушга топшир, турмуш сенинг ўч олувчи хизматкорингдир) [1, 181]

Бугина эмас, ўгай укалари Жаҳонгир мирзо ва Носир мирзолар ҳам пайти келди дегунча Бобурга хиёнат қиладилар, тож-тахт илинжида унга қарши чиқадилар. Аммо ҳар сафар Бобур уларга илтифот кўрсатади, кечиради ва қайтадан тарбия қилади. Масалан, Носир мирзонинг навбатдаги хиёнатидан кейин, яна бош эгиб келиши ҳолатини «Бобурнома»да шундай ҳикоя қилинади: «Носир мирзо... Кобулға йетмиш-сексон талатғон, олдурғон, оч-яланғоч навкар-савдари била келди. Ажаб қодиредур, икки-уч йил мундин бурун Носир мирзо тамом эл ва улусни кўчириб суруб, Кобулдин ёғиқиб чиқиб, Бадахшонға йетиб, дара ва қўрғонларини беркитиб, не хаёллар била юрур эди, бурунғи қилғонларидин сарафганда ва хижил, ул навъ айрилғонларидин шарманда ва мунфаил бўлубтур. Мен доғи ҳеч навъ юзига солмадим. Яхши сўруб-истаб инфиол(хижолат)дан чиқордим».

Ўгай укаси Жаҳонгир мирзо Бобурнинг душмани бўлган Аҳмад Танбалнинг фитнасига учиб, акасидан бир неча марта юз ўгиради, керак бўлса тахтга даъвогарлик қилади, охир-оқибатда Андижонда парокандаликлар юзага келади. Бобурнинг мамлакатни бирлаштириб, қудратли давлат тузиш ҳақидаги орзулари пучга чиқади, саъй-ҳаракатлари бекор кетади. Аммо Бобур укасига нисбатан кек сақламайди, унинг бошига оғир кунлар тушиб, саргардон бўлганида паноҳига олади. Яна бир ўгай укаси Носир мирзо ҳам Бобурдан бир неча марта юз ўгиради, душманлар билан тил бириктиради. Аммо «Бобурнома» муаллифи ўзининг «катталар кўтаримли бўлиши керак» деган ғоясига амал қилиб, уни ҳар гал кечиради, раҳм-шафқатини аямайди.

«Бобурнома»нинг энг муҳим хислати шундаки, унинг муаллифи нимани баён қилмасин, масалага танқидий қарай олган, асарда ўша даврдаги жамиятнинг барча ноқисликларини бирма-бир очиб берган. У ифода қилган шахслар образида илғор ғоялар билан биргаликда, улар шахсиятида акс этган очкўзлик, фаҳш, золимлик, саркашлик, мунофиқлик каби типик ҳоллар ҳам баробар тасвирланади. Масалан, темурийларнинг, айниқса, Ҳусайн Бойқаро бошлиқ унинг ўғилларининг айш-ишратга ўта берилганликлари ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай ёзади: Ҳусайн Бойқаро «аввал тахт олғон маҳалда олти –етти йил тоиб эди. Андин сўнгра ичкуга тушди. Қирқ йилға ёвуққим Хуросонда подшоҳ эди, кун йўқ эдиким, номози пешиндан кейин ичмагай... Ўғлонлари ва жамъи сипоҳига ва шаҳрига бу ҳол эди. Ифрот била (ҳаддидан ошириб) айш ва фисқ қилурлар эди» [1, 190].

Шайбонийхон бошчилигидаги қўшин Ҳиротга ҳужум қилганида Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари Бадиуззамон ва Музаффар мирзолар оналари, хотин, бола-чақаларини ҳам ташлаб қочганликлари ҳақида «Бобурнома»да шундай дейилган: Шайбонийхон қўшини Ҳиротга ҳужум қилганида Бадиуззамон ва Музаффар «Мирзоларнинг она ва эгачи сингил ва ҳарамлари ва хавотинлари тамом қалъаи Ихтиёриддинда эдиким, Олақўрғонға машҳурдир, мирзолар кеч шаҳрга етарлар, ярим кечагача отларини тиндуруб, уюхларлар, саҳар вақти

солиб тебрарлар. Қўрғон беркитурни худ хаёл қила олмаслар. Мунча фурсат ва фуржада она ва эгачи сингилни ва кўч ва ўғлон-ушоқни ҳам олиб чиқмай, ўзбакнинг асирлигига ташлаб қочарлар».

Бобур бирор манфаат йўлида отага қарши борувчиларни қатъий қоралайди. Рубоийларидан бирида бу ҳақда шундай дейди:

Олудаи юз туман маосий бўлмоқ,
Юз ранжу туман азоб хоси бўлмоқ.
Кўп яхши экин аҳли хираднинг қошида
Ким, оғритибон атони осий бўлмоқ. [2, 96]

Абдуллатиф Мирзонинг «беш кунлик ўтар дунё» учун шоҳ ва донишманд отасини ўлдириши, Бадиуззамон ва Музаффар мирзоларнинг ўз жонларини сақлаб қолиш учун оналарини, оилаларини Шайбонийхон асирлигига ташлаб қочишлари ҳам муаллиф томонидан нафрат ва афсус билан тилга олинадики, ўқувчи бу тарихий шахсларнинг ноахлоқий қилмишларидан тегишли хулосалар чиқариб олади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур мамлакат тараққиёти, давлатчиликнинг мустаҳкамлигини, аввало, исломий ақидаларга таяниш, шариат аҳкомларига амал қилишда деб билади. Жумладан, темурийлардан бўлган Ҳусайн Бойқаронинг салтанати таназзулга юз тутишида ҳам исломий қадриятларга зарар етиши, шариат поймол қилинишида деб билади. Масалан, «Бобурнома»нинг 1496-1497 йиллар воқеаларига бағишланган қисмида Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари ўртасидаги можаролар, ҳарбий низоларнинг келиб чиқиши ҳақида сўз юритар экан, шаҳзодаларнинг маиший бузуқлик, майпарастлик ва фисққа берилганликларини очиқ-ойдин танқид қилади. Бир томонда Шайбонийхондек душман хавф солиб турганида Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари аҳиллик ва иттифоқ билан иш тутиш ўрнига айш-ишратга бериладилар: «Бу мирзолар андоқ ифрот била фисқ ва айшқа машғул эдиларким, отасидек кордийда ва кордон подшоҳ тушчилик йўл келиб, рамазондек мутабаррак ва азиз ойға кечалик фурсат қолиб, отасидан ийманмай, тенгридан қўрқмай, ҳануз иши чоғир ичмак эди нашот била, мажлис оролик эди инбисот била. Муқаррардурким, мундоқ бўлғон киши андоқ шикаст топқай ва бу навъ ўтган элга ҳар ким даст топқай» [1, 40].

Бобур мирзонинг ўзи ҳам бошидан ўтказган, кўрган-кечирганларидан ҳаётий тажриба сифатида фойдаланишга интилади. Отаси Умаршайх мирзодан ибрат олиб, ҳалоллик ва мардликни умр бўйи шиор қилиб олади. Ҳусайн Бойқаро ўғилларининг ноаҳллиги, маишатпарастлиги, бир-бирига душманлик қилишларини кўриб, ўз фарзандларини аҳилликка, тотувликка, бир-бири қўллаб – қувватлашга даъват этади. Жумладан, катта ўғли Ҳумоюнга ёзилган мактуби «Бобурнома»га киритилган бўлиб, унда фарзандини укаларига ҳамиша ғамхўрлик кўрсатишга, ғанимларнинг фириб ва иғволарига учмасликка ундайди, «катталар кўтаримли бўлиши керак»лигини уқтиради.

Гулбаданбегимнинг ёзишича, Бобуршоҳ Ҳиндистонни тўла фатҳ этганидан кейин темурий хотин-қизларнинг жуда кўпчилиги (уларнинг сони 96 та деб кўрсатилади) унинг ҳузурига келади. Эндигина барпо этилган янги давлат

юмушларидан ортиб, Бобуршоҳ ҳар жума – дам олиш кунларида ана шу аёл қариндошларни бирма-бир зиёрат қилган. «Подшоҳ ҳазратлари (яъни Бобур) Агра шаҳрида тўрт йил турдилар, – деб ёзади Гулбаданбегим, – Ҳар жума куни аммаларини кўргани борар эдилар. Бир куни, ҳаво ниҳоятда иссиқ эди, онам ҳазратлари (Моҳим бегим): "бугун ҳаво ўта иссиқ, агар бир жума кўргани бормасангиз нима бўлади, бегимлар бундан хафа бўлмасалар керак", деб сўрадилар. Подшоҳ онамга бундай деб жавоб бердилар: "Моҳим, сиздан бу гапнинг чиқиши тажжубдир. Ҳазрат Абу Саид мирзонинг қизлари ўз ота ва биродарларидан жудо бўлиб, бу ерга келган, агар мен уларнинг кўнглини олмасам, унда нима бўлади?» [7, 21] Бобур феъл-атворидаги яқинларига бўлган бундай улкан меҳр-муҳаббат унинг шеърларида ҳам ўз аксини топган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи Гулбаданбегимнинг ёзишича, шоҳнинг рафиқаси Моҳим бегим Кобулдан Ҳиндистонга чақириб олинганда, Бобур уни бир неча чақирим пиёда юриб келиб, кутиб олади ва малика минган от жиловини тутган кўйи яна пойтахтга пиёда йўл олади. Бу ҳам улуғ шоҳ ва забардаст шоирнинг Ватан ғурбатини бирга тортаётган аҳли аёлига, демакки, садоқатли ватандошига бўлган чуқур эҳтироми рамзи эди, дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур салтанат мустаҳкамлиги, жамият тараққиёти, энг аввало, юрт бошқарувчиларининг хулқ ва атворига, уларнинг оилавий-маиший масалаларда ҳам ибратли бўлишларига боғлиқлигини тарихий-ҳаётий мисоллар орқали кенг ёритиб берган.

Адабиётлар

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т., 1990.
2. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Девон. – Т., 1994.
3. Бобурнома жаҳон кезади. – Т., 1984.
4. Нуритдинов М. Бобурийлар сулоласи. – Т., 1994.
5. Ҳумоюннома. – Т., 1959.

© **Жўраев И. М.,** 2020

Х. А. Жураев (Ҳ. А. Жўраев),
ФарДУ профессори, филология фанлари доктори (Ўзбекистон)
Г. Н. Косимова (Г. Н. Қосимова),
ФарДУ факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси (Ўзбекистон)

Аннотация: В статье приводится анализ переписки Бабура с Алишером Навои, а также рассматривается влияние, которое оказал Навои на судьбу основателя Империи Великих Моголов. Бабур-шах был 18-летним подростком, когда взошел на Самаркандский престол, захватив его у Шейбани-хана. Это уникальное для своего времени военное событие привлекло внимание великого мыслителя, поэта, государственного и общественного деятеля Алишера Навои. После переписки с Навои в жизни молодого Бабура произошли серьезные изменения. Авторы статьи Х. А. Жураев и Г. Н. Косимова считают, что подробное описание Бабуром внезапной смерти Навои заставляет читателей думать, словно Бабур был свидетелем тех событий. Авторы приходят к выводу, что «Бабур-наме» является одним из важных источников, обогащающих наши представления о биографии, литературном наследии, практической деятельности Алишера Навои.

БИР МАКТУБ ТАРИХИ ЁХУД БОБУРНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Бобуршоҳ Самарқанд тахтини Шайбонийхондан тортиб олганда 18 ёшли ўспирин эди. Ўз даври учун ноёб бўлган бу ҳарбий ҳодиса улуғ мутафаккир шоир, давлат ва жамоат арбоби бўлмиш Алишер Навоийнинг ҳам эътиборини ўзига тортди. Шу заҳоти ёш ҳукмдор ва навқирон саркардани эришилган зафар билан қутлаб, унга мактуб йўллади.

«Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати (мактуби) ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди» [2, 78].

Муборак мактуб ҳақидаги бор гап шу. Қизиқ, нега бу мактуб ҳақида, унинг мазмуни борасида бирор гап айтилмаган? Наҳотки Бобур мирзо бу табаррук номани сақламаган бўлса? Дарвоқе, «Бобурнома» муаллифи бир ўринда Алишер Навоийнинг ижодий мероси ҳақида гапирар экан, унинг турли мактубларини йиғиб, тўплам ҳолига келтирганини унча маъқулламайди: «Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғонларға боқа пастроқ ва сустроқ воқе бўлубтур. Ул жумладин, иншо (мактуб)ларини Мавлоно Абдураҳмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур. Ҳосила калом, ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким битибтур, йиғиштирубтур». Эҳтимол, шу туфайли ҳам муборак мактуб бизгача етиб келмагандир.

Юқорида айтганимиздек, Бобурнинг бу улкан зафари умрини темурийлар салтанатини мустаҳкамлаш ишларига бағишлаган Навоийни мамнун қилгани аниқ. Улуғ шоирнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарида Ҳусайн Бойқаронинг

Хуросон тахтини эгаллаб олган Ёдгор мирзони қандай тор-мор этганлиги афсонавий шоҳ Баҳромнинг ҳоқонни маҳв этишига ўхшаб кетиши ҳақида шундай қайдлар бор: «...Аммо Баҳром Озарбойжондин Гуржистон била Дашти Қифчоқдин чиқиб, Хоразм бостуриб, Журжон навоҳисида ҳоқонға шабохун уриб, оз киши била уч юз минг черикни бузуб, ҳоқонни дастгир қилиб, ўз илки била бошин чопти. Ва бу бир иш эдиким, ондин бурун ҳеч подшоҳ қилмайдур эрди ва ондин сўнгра даҳи ҳеч кишига даст бермайдур эрди, магарким Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон ҳаллада Оллоҳу мулкаҳуға муяссар бўлдиким, бу навъ иш қилди».

Алишер Навоий Бобур мирзога йўллаган мактубида ана шу воқеани яна бир бор эсга олиб, оз киши билан кўпчиликни енгиш борасида унинг учинчи саркарда сифатида тарихга кирганлигини таъкидлагани аниқ. Чунки Бобур мирзо Самарқанднинг фатҳ этилиш тарихини эслар экан, ўз зафарини Ҳусайн Бойқаро муваффақияти билан таққосланишига эътироз билдиради:

«Султон Ҳусайн мирзо ҳам Ҳирийни ушбу йўсунлиқ ғофиллиқта олибтур. Вале иш билур киши олида равшан ва инсофлиқ эл қошида мубайяндурким, бу иш била ул иш орасида кўп фарқ бордур. Аввал буким, Султон Ҳусайн мирзо кўп ишлар кўрган, бисёр тажрибалар кечурган улуғ ёшлиқ подшоҳ эди. Иккинчи буким, ғаними Ёдгор Муҳаммад мирзо эди, ўн етти-ўн секкиз ёшлиқ бетажриба ўғлон эди. Учунчи буким, ғанимнинг ичидин кайфиёт ва ҳолотни билган киши Мир Али мирохур мирзога (Ҳусайн Бойқарога) кишилар юбориб, ғофиллиқта ғаним устига келтурди. Тўртунчи буким, ғаними қўрғонда эмас эди, Боғи Зоғонда эди. Султон Ҳусайн мирзо олғон маҳалда Ёдгор муҳаммад мирзо ва тавобеи андоқ ичкулукка тушган экандурларким, ул кеча Ёдгор Муҳаммад мирзонинг эшигида уч киши экандур, алар ҳам маст. Бешинчи буким, ул мартаба ғофиллиқта-ўқ келди ва олди.

Мен Самарқанд олғонда ўн тўққиз ёшта эдим. Не кўп иш кўруб эдим, не тажриба бўлуб эди.Иккинчи буким, менинг ғанимим Шайбонийхондек пуртажриба ва кўп иш кўрган ва улуғ ёшлиқ киши эди. Учинчи буким, бизга Самарқанддин ҳеч киши келмайдур эди. Агарчи шаҳр эли манга кўнгуллук эди, вале Шайбоқхоннинг қўрқунчидин ҳеч киши бу хаёлни қила олмас эди. Тўртинчи буким, менинг ғанимим қўрғонда эди, ҳам қўрғонни олилди, ҳам ғанимни қочурулди. Бешинчи буким, бир мартаба Самарқанд қасдиға келиб, ғанимға туйдуруб (душман сезиб қолиб), иккинчи мартаба келганда тенгри рост келтурди. Самарқанд фатҳ бўлди» [2, 76].

Бобур мирзонинг батафсил шарҳларидан маълум бўладики, у Навоийнинг мактубида зикр этилган воқеалар тарихини кейинроқ чуқур ўрганиб чиққан. Гарчи Мир Алишерга эътирозларини ёзмаган бўлса-да, бу борадаги фикр-мулоҳазаларини ўзининг умр китобига киритган.

Меҳр кўп кўргуздим аммо меҳрибоне топмадим,

Жон басе қилдим фидо оромижоне топмадим.

Алишер Навоийнинг мазкур шоҳ сатрлари шоир ҳаётлигидаёқ жуда машҳур бўлган. Бинобарин, ёшлигидан шеърият ихлосманди бўлган, адабий давраларда ўсган Бобур ғазални ёд билгани тайин. Айниқса, бошига жуда эрта

салтанат юки тушган, атрофидаги муҳитдан безиб қолган, кетма-кет тақдир зарбаларини бошидан кечирган Бобур юқоридаги матлаъни кўнгил кечинмаларининг ёрқин изҳори сифатида такрорлаб юрган. Бу пайтда «Мажолис-ун нафоис»нинг тўлдирилган нусхаси устида ишлаётган Алишер Навоий ёш ҳукмдорга мактубида адабиёт ва санъат хусусида ҳам сўз юритган, Бобурнинг табъи назми билан қизиққан, ижоди намуналаридан юборишини сўраган. Шу маҳалгача «бирор-иккирор байт айтиб» юрган, уларни ниҳоясига етказишга қунт қилмаган Бобур бадиий ижод ҳақида жиддий ўйлаб қолган. Жавоб мактубида эса улуғ шоир ва мутафаккирга эҳтиром маъносида, татаббу йўлида «биргина туркий байт айтиб» юборади:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

«Бобурнома»нинг 1501 йил воқеаларида ана шу байтнинг ғазал сифатида тугалланган ҳақида маълумот бор: «Ул ғазалеким, тугаттим, ушбу кун ушбу юртта (Тошкент яқинидаги Сом сийрак навоҳисида) тугаттим... Бу ғазал етти байт турур. Мундин сўнг ҳар ғазалеким туганди, ушбу тартиб била-ўқ битилди» [2, 90]

Алишер Навоийнинг бирорта ғазали етти байтдан кам бўлмаган. Демак, Бобур ғазал ҳажмини белгилашда ҳам улуғ устоз анъаналарига амал қилишга ҳаракат қилган.

Ёш Бобур ҳаётида Навоий билан ёзишмалардан сўнг жиддий бурилишлар кўзга ташланади. «Бобурнома» нинг шундан кейинги воқелари тасвирида адабий муҳит, бадиий ижод, илм-фан, касб-ҳунарга оид маълумотлар кенгая боради. Муаллиф, шунингдек, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид ҳар бир муҳим тафсилотга ўрин ажратади. Унинг туркий ҳамда форсий тилдаги асарларини таҳлил этади, илмий филологик асарларига ҳам муносабат билдиради. Ҳатто шоирнинг тўсатдан вафот этиши манзараларини ҳам ўзи гувоҳ бўлгандек таъсирли тасвирлайди. Шунинг учун ҳам «Бобурнома» Алишер Навоийнинг таржимаи ҳоли, адабий мероси, амалий фаолияти ҳақидаги тасаввурларимизни бойитувчи мўътабар манбалардан бирига айланади.

Андижон «... эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элнинг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти (асарлари) бовужудким, Ҳирийда нашъу намо топибтур, бу тил биладур». Албатта бу сатрларни битаётган ўсмир Бобур Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тилига асос солганлиги, «мамлакатни якқалам» қилганлигини англашдан ҳали ожиз бўлган. Шунинг учун ҳам болаларча беғубор ифтихор билан Навоийдек даҳо ижодкор ўз асарларини «Андижонликлар тили» да ёзганлигини қайд этади.

Бора-бора ўзи ҳам забардаст сўз устаси бўлиб етишгач, тил бойликларини намоён қилиш, керак бўлса она тилининг камситилишига қарши курашиш зарурлигини ҳис қилади. Тил Ватаннинг таркибий қисми, миллатнинг қиёфасини белгиловчи асосий омиллардан бири эканлигини тушунади.

Туркий тилни хорлик бурчагидан шеърият осмонига кўтариш Алишер Навоий учун осон бўлмаган. Эски ўзбек тилини дағал, ижод учун ярамайди, дея

таҳқирловчиларнинг аксарияти ўзи туркий бўлатуриб, форс-тожик тилида ижод қилувчилар эди. Камолиддин Биноий ана шундайлар тоифасидан бўлиб, бу ҳақда ҳатто Навоий билан юзма-юз тортишишдан ҳам тоймаган. Биргина мисол: Биноий туркман ҳукмдори Ёқуббек ҳузурида бир неча вақт бўлиб, қайтиб келгач, Навоий ундан Ёқуббекнинг яхши фазилатларидан сўзлаб беришини сўрайди. Шунда Биноий: «Унинг энг яхши фазилати шуки, бирорта ҳам ўзбекча сўзни оғзига олмас экан», – дея жавоб беради.

Бобур шунга ўхшаш можаролардан яхши хабардор бўлган. Самарқанд тахтига иккинчи бор ўтирган кезлари, тақдир тақозоси билан Бобур ҳузурига келиб қолган Биноий ўзининг қашшоқ ҳолга тушиб қолганлиги, ейишга нону, кийишга кийими йўқлигини форс-тожик тилидаги рубоийси орқали баён қилади. Шунда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўта зукколик билан бир вақтлар ўзбек тилини камситган Биноийга танбеҳ беришнинг ўзига хос йўлини тутади. Яъни унинг форс-тожик тилидаги рубоийсига туркий тилда қуйидаги шеър билан жавоб беради.

Ишлар бори кўнглунгдагидек бўлғусидур,
Инъому вазифа бори буйрулғусидур.
Ул ғаллау муҳмалки деб эрдинг бердим,
Муҳмалға бўю, ғалладин уй тўлғусидур.

Бобурнинг зимдан қилган нозик ишорасини фаҳмлаган Биноий, хижолат чекиб, ўз миннатдорчилигини туркий тилда жавоб рубоийсини айтиш билан билдиради.

Шунга ўхшаш воқеа Ҳиндистонда ҳам бўлиб ўтади. Бобурнинг энг яқин дўстларидан бири Хожа Калон Ҳиндистон жазирамаларига чидай олмасдан, рухсат олиб, Ғазнига кўчади. Кетаётганида ўзи яшаган уй деворига форс-тожик тилида «Ҳиндни яна кўришни истасам юзим қаро бўлсин» мазмунидаги мисраларни ёзиб қолдиради:

Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,
Сиёҳ рўй шавам, гар ҳавои Ҳинд кунам.

Бобур бу зарофатга қарши она тилининг ўткир ва тагмаъноли хусусиятини ишга солиб, қуйидаги рубоийсини битади ва Хожа Калонга юборади:

Юз шукур де, Бобурки, кариму ғаффор
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазни бор!

Бунга ўхшаш мисолларни яна келтириш мумкин. Муддао шуки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур туркий тилнинг бой имкониятларини намоён этиш, бу тилнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишига эришиш учун улуғ устоднинг ғоявий маслагидан умр бўйи оғишмади. Шу тариқа, Алишер Навоий даҳосининг сўз санъати майдонида пайдо бўлиши тасодифий эмаслигини, балки тарихий қонуният ва зарурат эканлигини амалда исботлади.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий Заҳириддин Муҳаммад Бобурдаги олмос истеъдодни олис Ҳиротда туриб пайқаган, шогирдида адабиёт ва санъатга,

билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди».

Дарҳақиқат, Мирзо Бобур нафақат ўзбек, балки умумшарқ мумтоз адабиёти равнақида етакчи роль ўйнаган, сўз санъатини бемисл юксакликка кўтарган, бадиий тафаккур қудрати, асарларида олға сурилган илғор умумбашарий ғояларининг аҳамияти бугунги кунда ҳам муҳим ўринга эга бўлган қалам соҳибидир. Шу билан бирга бу улуғ зот жаҳон тарихида бобурийлар ёки буюк мўғуллар империяси деб номланувчи сулолага асос солган улуғ ҳукмдор ва атоқли саркардадир.

Шоҳ ва шоирнинг «Бобурнома» асари унинг адабий меросида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ушбу асардан ўрин олган ҳар бир йил воқеалари бетакрор бадиияти, ҳаққонийлиги, ғоялар қамрови, фалсафий-маърифий жиҳатлардан ўзига хос адабий обидадир. Мазкур мемуар асарда 1494-1529 йиллар оралиғида Марказий ва Кичик Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида юз берган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда бошқа кўплаб соҳалардаги воқеа-ҳодисалар бевосита муаллиф иштирокида кузатилиб, таҳлилий баён этилган. Муаллиф подшоҳ, саркарда, шоир ва адиб, энг муҳими, чуқур билим ва теран тафаккур соҳиби бўлганлиги сабабли асар мукаммаллик касб этган, қимматли маълумотлар манбаига айланган, яратилган даврига нисбатан оламшумул шуҳрат қозонган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур умр бўйи тож-тахт талашуви гирдобларида, турли жангларда, жамиятдаги инқирозли даврларда яшади ва ижод қилди. Ўзининг машаққатли умр йўлидан ҳикоя қилувчи «Бобурнома» асарининг охирида ҳам, худди қиссадан ҳисса чиқарган каби, қуйидаги рубоийсини битиб қолдирган: *Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,*

Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,

Ҳар ким бу "Вақоеъ"ни ўқур, билгайким,

Не ранжу, не меҳнату не ғамлар кўрдум.

Шоҳ ва шоир бир лаҳза бўлса ҳам халқ билан алоқасини узмаган. Ҳамиша эл-юрт ташвиши билан яшаганлигини шоирнинг замондошлари ҳам ёзиб кетганлар. Жамият билан узвий боғланган ҳолда ижод қилиш Бобур асарларининг ғоявий ва бадиий фазилатларини оширишда, адабиётнинг ҳаёт олдидаги вазифаларини аниқлашда муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида Бобур ҳақида шундай ёзган эди: «Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор шахс бўлган. У санъатни, адабиётни севган... Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгича тараққиёт юз берди».

Бобурнинг яна бир муҳим фазилати ўзгаларнинг камчилик ва нуқсонларини ҳаққоний ва рўй-рост танқид қилишида, ўзи ҳам танқидни тўғри қабул қилишида, ўз асарлари ҳақида бошқаларнинг фикри билан қизиқишида кўринади: *Ҳар ердаким гул бўлса, тикан бўлса не тонг,*

Ҳар қайдаки май дурдидан бўлса не тонг.
Шеъримда агар ҳазл, агар жид, кечиринг,
Яхши борида агар ямон бўлса не тонг?!

Айнан мана шу мазмунни улуғ шоир ўзининг лирик шеърларида ҳам қайта-қайта таъкидлайди: *Бобуро, шеърингга гар солса қулоқ ул шоҳинг,*
Бўлғусидур сўзунга қадр дури макнунча.

Демак, шеър муаллифи асар жамиятга фойдали бўлсин учун ҳар қанча меҳнат талаб қилинса, бажариш кераклиги ғоясини илгари суради.

Бобур девонининг икки нусхаси – Париж ва Ҳиндистон нусхалари фанга маълум. 1983 йилда афғонистонлик олима Шафиқа Ёрқин хоним Кобул шаҳрида «Девони Бобур» китобини чоп эттирди. Мазкур девонга киритилган шеърлар маълум нусхаларни таққослаш ва тўлдириш орқали юзага келди. Ана шу девон асосидаги Бобур шеърларидан иборат тўплам 1994 йилда Тошкентда “Фан” нашриётида чоп этилди.

Бобур шеърлари инглиз (1910) , француз, рус (1943), турк (1931) ва бошқа бир неча тилларга таржима қилинган ҳамда нашр этилган. Шоир ижодига қизиқиш тобора кучаймоқда ва таржима жараёнлари ҳозир ҳам қизғин давом этмоқда. Бобур девонидан ғазал, рубоий, туюқ, маснавий, қитъа, фард ва бошқа жанрлардаги шеърлар ўрин олган. Унинг девонида оддий ғазаллардан ташқари ғазали мусажжаъ (ички қофияли), қитъа ғазал, ҳусни матлаъ сингари ғазал турлари ҳам учрайди. Ғазал, рубоий ва туюқ Бобур энг кўп мурожаат қилган лирик жанрлардир.

Бобур инсоният маданий ҳаёти тарихида ҳам чуқур из қолдирди. Унинг фаолияти ҳамда меросини ўрганишда турли соҳа олимлари – тарихчилар, филологлар, табиатшунослар, географлар ва бошқалар катта натижаларга эришдилар. Унинг асарлари қайта-қайта нашр этилди, тадқиқотлар ва илмий-оммабоп асарлар яратилди.

Бобур мирзо қанчалик машҳур шоир, қанчалар забардаст ва музаффар саркарда бўлмасин, она юрт соғинчи билан ҳамиша ўкиниб, ўксиниб яшади: *Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,*
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур –
дея нола чекади машҳур рубоийларидан бирида. Яна бир ўринда эса
Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.
сингари мисраларда ўз-ўзига маломатлар қилади. Она юрт армони билан саргардонликда яшаган улуғ шоҳ ва шоир ижодидан ана шундай дардли мисраларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрлардаги Шарқ мамлакатларида кечган ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий жараёнлар тарихини ўрганишимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, халқимизнинг ижтимоий-фалсафий

тафаккури ривожида, ёшларни Истиқлол мафкураси асосида юксак маънавиятли, ватанпарвар кишилар қилиб тарбиялашда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг улуғ давлат арбоби сифатидаги ибрати, истеъдодли сўз санъаткори сифатидаги адабий мероси алоҳида ўрин тутади.

Адабиётлар

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Асарлар. – Т., 1965.
2. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т., 1990.
3. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Девон. – Т., 1994.
4. Бобурнома жаҳон кезади. – Т., 1984.
5. Жалилов С. Бобур ва Андижон. – Т., 1993.
6. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. : Маънавият, 2008.
7. Қаюмов А. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. – Т. : Шарқ юлдузи, 1982.
8. Нуритдинов М. Бобурийлар сулоласи. – Т., 1994.
9. Ҳаққул И. Рубоий. – Т. : Фан, 1976.
10. Ҳумоюннома. – Т., 1959.

© **Қосимова Г.,** 2020

Д. Кувватова,
д. ф. н., профессор БухГ, г. Бухара (Узбекситан);
З. Сохибова,
докторант БухГУ, г. Бухара (Узбекистан)

ИСТОРИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБРАЗА ВРЕМЕН ГОДА В ПОЭЗИИ БАБУРА

Творчество Бабура составляет отдельный этап в узбекской литературе после Алишера Навои. Из исторических источников известно, что его творчество было на двух языках, он создал диван (диван, или девон – один из видов поэтических произведений на Востоке) в Кабуле в 1519 году и в Индии в 1528 году. В поэме Бабура произведения восточной поэзии широко распространены в таких жанрах, как газель, рубаи, туюк, китъа, маснави, муаммо и фарды [8, 87]. Хотя его поэзия, которая дошла до нас, невелика по размеру, примечательно, что автор «пишет в основном о том, что он видит, что он испытывает, что он чувствует» [6, 3]. Стихи поэта о временах года и происходящих в них природных явлениях особенно привлекательны своей жизненностью, символическим и философским содержанием, а также выразительностью лирических героических чувств.

Тема сезонов в узбекской классической поэзии является отдельной художественной системой. Обсуждение «Зимы и лета» в «Девони луготит-тюрк» Махмуда Кашгари, «Весенний гимн» в «Кутадгу Билиге» Юсуфа Хоса Ходжиба, а также в произведениях Атои, Саккоки, Лютфи являются частью узбекской литературы, в поэзии Алишера Навои его времена года символичны. Но в творчестве Бабура эта тема была не только продолжена как традиция, но и обогащена яркостью и сильным социальным смыслом.

Менинг кўнглумки, гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур. [2, 26]
(Коль моё сердце, подобно красному цветку, полно страданий,
Нужен ли ей тот сладкий миг соцветия и увяданья)

Весна, которая начинается со стихотворения в этом произведении, является ценной, потому что у нее есть своя история письма в «Бабур-наме». В то же время сердце лирического героя сравнивается с цветочным бутоном. Каждый слой зародыша был наполнен кровью. Поэтому такие лепестки не открываются, даже если они весенние. Существует гармония между этим естественным состоянием и психическим состоянием лирического героя.

История этой газели записана в «Бабур-наме»: «Буларға *(яъни, фитнакор Мирзохоннинг Хуросонга кетишига – муаллифлар)* рухсат бергандин сўнг Борон ва Чоштуба ва Гулбаҳор доманаси сайриға бордук. Баҳорлар Борон ёзиси ва Чоштуба дашти ва Гулбаҳор доманаси бисёр хўб бўлур. Сабзаси Кобул вилоятининг ўзга ерларига боқа, хейли яхши бўлур, турлук-турлук лолалар очилур, бир қатла лола анвоини буюрдимким, санадилар, ўттуз тўрт навъ лола чиқди, нечукким бу ерларни таърифида бир байте айтилиб эди:

Сабзаю гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,
Хоса бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор.
Ушбу сайр келганда бу ғазални тугаттим:
Менинг кўнглумки, гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур...» [2, 182]

«Отпустив этих [двух] мирз, я отправился прогуляться к холмам Барана и Чаш-тепа и на склоны Гул-и Бахара. Весной степь Чаш-тепа и склоны Гул-и Бахара очень красивы. Зелен на них много лучше, чем в других местах Кабульской области и там цветут всевозможные тюльпаны. Однажды я приказал пересчитать все виды тюльпанов; их оказалось тридцать четыри вида. Во хвалу этих мест я сказал такой стих:

Весною Кабул с его зеленью и цветами – [сущий] рай.
Особенно хороши в это время весны Барана и Гул-и Бахар.

Во время этой прогулки я закончил газаль, [начинающуюся] таким стихом:

Мое сердце, словно бутон розы, покрыто слоями крови.
Даже если будет сто тысяч раз весна, он не раскроется» [1, 207].

Стихотворение в «Бабур-наме» отражает уникальную весеннюю сцену Кабульских степей. В начале газели настроение лирической героини сочетается с красотой природы, и создается высокий пример параллелизма. Эти линии сочетают в себе пейзаж, поэтические страдания и исторический фон. История говорит нам, что осенью 1506 года, когда Тимуридские князья были объединены и оставлены на Шейбан-хане, Бабур отправился в Герат по приглашению Бадиуззамона и Музаффара Мирзы, правившего на троне Герата вместе с Байкаром. [2, 170] Ознакомился с достопримечательностями Хорасанской столицы. Затем он возвращается в Кабул. Однако в Кабуле был совершен заговор, и престол был передан человеку по имени Мирзахан. Бабур подавил заговор и даже простил грешника, проявив высокую человечность.

Обратите внимание на позицию предателя перед Бабуром: «Мен эски девонхонанинг шарқи шимолий сориғи айвонида ўлтуриб эдим. Мен дедимки: – Кел, кўрушалинг. Олдарағондин юкуниб келгунча икки қатла йиқилди. Кўрушгандин сўнг, ёнимда ўлтурғузуб, кўнгул бердим. Шарбат келтурдилар. Мирзахоннинг дафъи таваҳҳумиға шарбатни аввал ўзум ичиб, анга бердим» [2, 181]. Бабур великолепен и сострадателен перед лицом заговорщического врага и не только прощает предателя, но и находит в себе желание защитить его.

«Я сидел в старом здании дивана, под портиком, на северо-восточной стороне. “Подойди сюда, поздороваемся!” – сказал я. Мирза-хан до того растерялся, что, прежде чем подойти и преклонить колени, два раза упал. Поздоровавшись с ним, я посадил его с собою рядом и одобрил. Принесли питье. Чтобы рассеять страх Мирза хана, я сначала выпил сам, потом дал ему» [1, 207].

Захириддин Мухаммад Бабур был не только физически силен («Бабур» на арабском значит «лев»), но и обладал чувством сострадания и добродетели. Искупление греха принцессы Байды, решившей убить Бабура после индийского вторжения, тому подтверждение. Но это предательство оставляет след в сердце. Когда заговор Мирза-хана был подавлен, Бабур отправился в поездку на природу

в поисках духовной поддержки. Поэт, который испытывает сильную душевную боль и узнает о следующем испытании судьбы, рисует в своем сердце.

Поэтический образ осени занимает особое место в поэзии природы. Поэзия может быть проанализирована двумя способами:

1. представляет состояние любви в страдании – его первоначальное значение;
2. отражает печали человека, который находится за пределами своей родины – в этом суть линий, данных осенними линиями.

Поэтому следующие газели могут предоставить ценный материал в этом отношении:

Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим [3, 82].
(Коль лицо твоё увядает как цветок, и чахнет
Увидав грустью, о, цветок тюльпана так и пахнет)

Хорошо известно, что в классической поэзии слово «хазон» буквально означает «осень» [3, 22]. Лирический герой «Газели» в первых стихах производит впечатление влюбленного в печали. Он пожелтел, как пример листьев, желтеющих весной. Он приводит пример «Чеҳраси зард», как тюльпаны, которые зажигаются в сумерках, просят пощады. Сочетание метафор как «лоларух» и «чеҳраи зард» наглядно иллюстрирует тяжелое положение влюбленного:

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёнгга тушуб, барги хазондек мунча ёлбордим.
(Эй, цветок, ты, жизнь прославив, вырастаешь весной,
Склонив ты голову, просишь жизни прощения осеннею мольбой)

Авторское описание не только красиво, но и гордится тем, что ему безразлично падение осени. В следующей главе «Газели» раскрывается реальная цель поэта. Образ Родины, который не всегда теряется, представлен в образе прекрасного влюбленного.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.
(В блаженстве ты оставайся, как цветущий сад,
Приду к теб,е как осенний листопад)

Действительно, человеческая жизнь так же мимолетна, как и времена года. Только родная нам почва, родина принадлежит вечности. Настроение сезона проявляется не только в лице лирики, но и в виде кровавых слез:

Хазондек қон ёшим, сориғ юзумдин эл танаффурда,
Ба ҳар ранге, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни қутқордим.
(Как листопад, склоняясь пред судьбой и кровью, иду
И всегда, повсюду, как спаситель народа, я приду)

Несчастье представлено метафорой «сариқ юз» («сарик юз» означает «бледное лицо»).

Бабур в 12 лет остался без отца; ему удалось раскрыть предательство брата Хасан Якуба и стать правителем. Это событие оставило след в сердце молодого Бабура.

Не толеъдур мангаким, ахтари бахтим топилмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.
(Что ж, это судьба – ходить в скитаниях мне
В поисках бродя, подчиняться колесу судьбы)

«Фалак авроқини» («колесо судьбы») в этой строке не должно интерпретироваться так же, как небеса. Оно представляет печаль Бабура, который в поисках счастливой звезды плавал в тогдашнем политическом море Востока, сражался за трон. Эти испытания укрепили его волю и сформировали его личность. Последний байт газели звучит как мудрость Бабура, у которого был большой жизненный опыт [6, 19] со всей горечью жизни:

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўткардим [3, 83].
(Почет народа и слава все равно мне
Будь хорош иль плох Бабур, велено судьбою мне)

Тема осени (*хазон*) в бейтах Бабура характеризуется определенными звуками. Весна и её символы гармонируют с лирическим героическим духом. В то же время «цветочные бутоны» представляют собой образ человека, чье сердце разбито. Как правило, образы весны и осени в творчестве поэта являются символическими.

Литература

1. Бабур-наме : Записки Бабура. – Т. : Главная редакция энциклопедий, 1993. – 464 с.
2. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома : Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун / нашрга тайёрловчи П. Шамсиев, муҳаррир А. Ўктам. – Т. : Юлдузча, 1989. – 368 б.
3. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Ғарибинг андижонийдур : сайланма шеърлар / нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи В. Раҳмонов, масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов. – Т. : Шарқ, 2008. – 288 б.
4. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Маҳрами асрор топмадим : Париж девони нусхаси : шеърлар / нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи С. Ҳасан ; муҳаррир Н. Отажонов. – Т. : Ёзувчи, 1993. – 80 б.
5. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Назм дурдоналари. – Т. : Шарқ, 1996. – 208 б.
6. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Сочининг савдоси тушди : шеърлар / нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов ; масъул муҳаррир В. Раҳмонов. – Т. : Шарқ, 2007. – 288 б.
7. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т. : Академнашр, 2010. – 400 б.
8. Муҳаммаджонов А., Абдуғаффоров А. Бобур // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – 2-жилд. – Тошкент, 2001. – 87 Б.

© Кувватова Д., Сохибова З., 2020

С. Курбонова (S. Qurbonova),
filologiya fanlari bo`yicha falsafa doktori (O`zbekiston);
Д. Хакимова (D. Hakimova),
FarDU talabasi, Farg`ona (O`zbekiston)

Аннотация: Статья посвящена различным видам растений, которые упомянаются в «Бабур-наме». Бабур размышляет о природе растений, в частности, о методах их выращивания, приводит названия сортов фруктов и описывает их. Описания растений носят лингво-ботанический характер. В произведении встречаются 247 названий растений. Некоторые из них являются фитонимами, то есть именными существительными «растительного происхождения». В целом лексика, связанная с растительным миром, делится на 7 групп. Многие из растений, описанные в «Бабур-наме», произрастают до сих пор в различных регионах Средней Азии.

«BOBURNOMA»DA QO`LLANGAN O`SIMLIK NOMLARINI GURUHLASHTIRISH

«Boburnoma» o`z davri uchun geografiya, botanika, zoologiya, etnografiya kabi fanlarga oid tahlillar, kuzatishlar va ilmiy talqin, mushhadalar majmui sanaladi. Va bular hozir ham o`z ahamiyatini yo`qotgani yo`q. Bobur tog` va daralar, ko`l va daryolar, xilma-xil o`simliklar va hayvonlar, turli hudud va mintaqalarning yer osti va yer usti boyliklari, u yerlarda yashaydigan xalqlarning urf-odati, tili, adabiyoti va san`ati, ayrim so`zlarning kelib chiqishi kabi masalalar ham bayon etilgan. «Boburnoma»ning katta bir qismi biologiya fanining turli tarmoqlari, xususan, introduksiya, sistematika va klassifikatsiya, biologik xilma-xillik, ekologiya, qo`riqxona va bog` yaratish sohalariga bag`ishlangan.

«Boburnoma»da o`simlik nomlari, ularning o`ziga xos xususiyatlari va Bobur tomonidan ularga berilgan ta`riflarni o`rganish, tadqiq etish lozim. Muallif turli o`lka, mamlakatlarni tasvirlar va tavsiflar ekan, ularning tabiati, xususan, bog`dorchiligi haqida fikr yuritadi, meva navlari nomlarini keltiradi va ularni tavsiflaydi. Boburning navlarga oid tavsif-u talqinlari ham lisoniy, ham botanik, ya`ni lingvobotanik xarakterga ega. Asar leksikasining xususiyatlari bilan shug`ullangan olimlarning ko`rsatishicha, asarda 247 ta o`simlik nomini ifodalovchi so`zlar izohlangan. Ularning ayrimlari fitonimlar, ya`ni o`simliklarning atoqli otlaridir.

Leksik qatlamga oid birliklarni tematik guruhlarga bo`lish ularning lug`aviy ma`nolaridan kelib chiqib amalga oshiriladi. Professor S. Usmonov o`zining ba`zi ishlarida o`zbek tili lug`at sostavidagi so`zlarni 7 ta yirik qatlamga ajratib, ularning ayrimlarini tematik gruppalarga ajratsa, [4, 31-32] boshqa bir ishida tematik gruppa o`rnida so`zlarning ma`no gruppalari terminini qo`llaydi. Hozirgi o`zbek adabiy tilining leksik qatlamlari kitobida turkiy qatlamga oid so`zlarning 24 xil guruhga bo`linganini ko`rishimiz mumkin. Olimlarimiz tomonidan o`simlik va daraxtlar, ularning mahsulotlari nomi beshinchi turga kiritilgan. O`simlik va daraxt nomlarini

ham o`z ichida yana guruhlashtirish mumkin. Biz “Boburnoma” asarida qo`llangan o`simlik nomlarini quyidagicha guruhlashtiramiz.

1. Mevali ekinlarni ifodalovchi so`zlar;
2. Manzarali ekinlarni ifodalovchi so`zlar.

«Boburnoma»da keltirilgan mevali ekinlarni ifodalovchi so`zlarni quyidagicha guruhlashtirish mumkin:

1. «Boburnoma»da shunday qo`llanib hozirgi kunda ham o`z muqobiliga ega bo`lgan nomlar (noshpoti- hozirgi muqobili-noshvoti, kadu- oshqovoq);
2. «Boburnoma»da qanday nomlangan bo`lsa, hozirgi kunda ham shunday atalib kelgan ekinlar (behi, bodom, banan, bodring, olma, anor, o`rik, qovun, kishmish);
3. «Boburnoma»da keltirilgan lekin hozirgi o`zbek tilida muqobil variantiga ega bo`lmagan ekin nomlari (badhal, obnus).

Bu ekinlarni ham o`z ichida mazmuniy jihatdan uch guruhga ya`ni ho`l mevalar, quruq mevalar hamda poliz mahsulotlariga bo`lishimiz mumkin. Ho`l mevalarga behi, olma, olu, badhal, kishmish, anor, o`rik, noshvotini; quruq mevalarga bodom, bodomchani; sitrus mevalarga bananni; poliz mahsulotlariga bodring, qovun, kaduni kiritish mumkin.

«Boburnoma»da qovun va uzum navlariga oid dalillar ko`plab uchraydi. Bobur Axsida yetishtirilgan qovun nomlarining tavsifini berib, shunday yozadi: *«Bir nav qovundirkim, “Mirtemuriy” derlar, andoq qovun ma`lum ermaskim, olamda bo`lg`ay. Buxoro qovuni mashhurdir. Samarqandni olg`on mahalda Axsidan va Buxorodan qovun kelturib bir majlisda kesturdum, Axsi qovunining hech nisbasi yo`q erdi»*.

«Nasuxda bir nav qovun bo`lurkim, “Ismoil shayxiy” derlar, terisi sariq, kemuxtluq, osuda qovun bo`lur, ta`mi olmacha, go`shti to`rt ilik, ajib laziz qovundir. Oncha qovun ul navohida bo`lmas». Ismoil shayxiy- shirin qovun navi sanaladi.

Yana bir o`rinda turunjni qovun naviga qiyoslaganligini ko`rishimiz mumkin: *«…turunjning ulug`lig`i xisraviy qovunicha bo`lg`ay. Po`sti qo`tur-po`tir nohamvordur»*.

Bobur keltirgan qovun navlarining nomlari joy va shaxs nomlariga nisbat berish asosida yuzaga kelgan, ya`ni topofitonimlar va antropofitonimlardir. Bobur Marg`ilonni tavsiflar ekan, anor navini ifodalovchi bir fitonimni tilga oladi: *«Yana biri Marg`ilondur, Andijonning g`arbidadur, Andijondin yeti yig`och yo`ldur.Yaxshi kasaba voqi bo`lubtur, purne`mat: anori va o`rugi asr-u xo`b bo`lur. Bir jins anor bo`lur, “donakalon” derlar, chuchuklugida zardolu mayxushligidin andak choshni bor»*. Donakaon yirik donali anor navi. Ayrim shevalarda bunday anor navi “Tuyatish” deb ham ataladi.

Yana bir o`rinda Farg`ona vodiysida yetishtiriladigan o`rik naviga alohida to`xtalgan: *«Yana bir jins o`ruk bo`lurkim, donasini olib ichiga mag`iz solib quruturlar, “subhoniy” derlar, bisyor lazizdur»*.

Manzarali ekinlarni ifodalovchi so`zlar sifatida kunor, muallo bed, safedor, norvan, sarv, binafshani keltirishimiz mumkin. Quyida «Boburnoma»da qo`llangan ekin nomlari hamda ularning izohini keltiramiz.

Behi (Cydonia oblonga) – mo`tadil iqlimda o`stiriladigan mevali daraxt. Boshqa hududlarga Markaziy Osiyodan tarqalgan. «Boburnoma»da to`rt marta tilga olingan, xususan, Kobul viloyatida ko`p o`sishi ta`kidlangan, Hindistonning badhal, noranj, sadofil kabi mevalari u yoki bu jihatdan behiga qiyoslangan.

Bobur pishgan behining zaha yegan joyi yumshab, o`ziga xos rang va ta`mga ega bo`lishi, boshqa mevalarning zahasidan farqli, mazali va iste`molga yaroqli bo`lishini ganda deb atagan. Hindistonning badhal mevasini shunga qiyoslagan: *«Mazasi behining ganda bo`lg`oniga xeyli o`xshar, tursh-tursh (biroz nordon) yaxshig`ina mazasi bor»*.

Badhal (barhal; Artocaxpus lacochoa) – tutdoshlar oilasiga mansub mevali daraxt. Issiq iqlimli o`lkalar, jumladan, hindistonda o`sadi. Yevropa tillarida «non daraxti» deb ham tilga olinadi. Bitta badhal daraxti 80 kg gacha meva beradi. Har bir mevasi 200-300 g. Mevasidan sous tayyorlanadi. Yog`ochidan mebelsozlik va kemasozlikda qo`llanadi. Daraxtining qobig`i farmatsevtika sanoatida va arqon yasashda qo`llanadi. Bobur badhal mevasining hajmi olmaday bo`lishi, mazasi esa behi ta`miga yaqinligini qayd etgan.

Bodom- ra`nodoshlar oilasiga mansub, bo`yi 4-6 mga yetadigan daraxt yoki buta. Gullari oq yoki och Pushti, mevasi sertuk. Mart-aprel oylarida gullab, iyul-avgustda mevassi yetiladi. Yovvoyi holda O`rta Osiyo va Kavkaz tog`larida, Afg`oniston, Eron, Kichik Osiyo, Arabiston yarimoroli va Jazoirda tarqalgan. Bobur Isfara, Qobul atroflarida (129 b) bodom ko`pligini yozgan. *«Musmir daraxtisi bisyordur, vale bog`chalarida aksar bodom daraxtidur»*.

Bodomcha- Qobulga yaqin tog`larda o`sadigan butasimon daraxt. Bobur aholi ehtiyoji uchun ishllatiladigan daraxt va butalarni sanar ekan*: «O`tunlari xanjak va balut va bodomcha va qarqanddur». Xanjak va balut daraxtlari yonishi va olovining uzoq yoki qisqa muddatligini qayd etar ekan, o`tinbop daraxt va butalardan eng ko`p iste`mol qilinadigani bodomcha ekanligini ta`kidlaydi. «Bodomcha baridin ko`proq va shoeroqtur, cho`gi turmas»*.

Bodring – qovoqdoshlar oilasiga mansub, palagi 100-250 sm gacha bo`lgan, yer bag`irlab yoki o`rlab o`sadigan bir yillik o`simlik. Gullari sariq. Mevalari cho`ziq, silindrsimon. Aprel-avgust oylarida gullab, may-sentabrda mevasi yetiladi.

Bobur Kobulning *«bodringi dag`i yaxshi bo`lur»* deb ma`lumot bergan.

Banan – kela, Keyla; ko`p yillik tropik o`simlik va uning mevasi, Vatani- janubiy sharqiy osiyo. Qisqa poyali, baquvvat ildizli o`simlik. Bo`yi 15 m. gacha o`sadi, barglari yirik, sohta poya hosil qiladi.

Banan Boburnomada hindcha nomidan kelib chiqib Keyla deyilgan: *«Yana keyladur, arab mavzder. Daraxti xeyli baland emas, balki daraxt deb ham bo`lmas»*.

Noshpoti nok, ra`nodoshlar oilasiga mansub mevali daraxt. Mevasi yirik, sersuv, mazali yoki biroz nordon. Aprel oyida gullab sentabr-oktyabr oylarida pishadi. Bobur «*Andijonning noshpotisidin yaxshiroq noshpoti bo`lmas»*, deb yozadi.

Obnus yig`ochi- Hindostonda Bariy va Chanbal daryosi oralig`ida joylashgan tog`da o`sadigan daraxt: *«Ushbu oralig`dagi tog`da obnus yig`ochini ko`rduk. Mevasini tindu deydurlar, Obnus yig`ochining oqi ham bo`lur emish. Bu tog`da aksar oq obnus bo`lur emish»*.

Olma- ra`nodoshlar oilasiga mansub daraxt. Bo`yi 10-13 m ga yetadi. Gullari oq, pushti rang. Mevasi yumaloq yoki konussimon, oq, Pushti-qizil rangda, 10 dan ziyod yovvoyi va madaniy navi bor. Boburnomada olma nisbatan ko`p tilgan olingan mevalardan biri sanaladi. *«Samarqandning uzumi va qovuni va olmasi va anori, balki jami mevasi xo`b bo`lur»*.

Bobur olmani sardseriy mevalar turiga kiritib, Qobul, G`azni, Istarg`ach va Hindistonning tog`liq mintaqalarida ham o`sishini qayd etgan.

Olu (olu-bolu) - ra`nodoshlar oilasiga mansub, bo`yi 8 m gacha yetadigan daraxt. Gullari soyabonsimon, oq. Mevalari yuraksimon, to`q qizil rangda, biroz taxir. Yer yuzida keng tarqalgan. «Boburnoma»da Kobul va uning kentlarida olu bog`lari ko`pligi yozilgan.

Kadu – (suvqovoq) qovoqdoshlar oilasiga mansub, bir yillik palak otib o`sadigan poliz o`simligi. Gullari ikki jinsli, yakka. Mevasi har xil ko`rinishda – ingichka bo`yli yoki noksimon. Iyun-oktyabr oylarida gullab, avgust-noyabrda mevasi yetiladi.

Bobur Hindistonda suvqovoqdan idish yasashlarini yozgan: *«o`ng iliklarida bir kadudurkim… har qachon fatilag`a yog` ehtiyoj bo`lsa, bu kadudin yog` quyadurlar»*.

Kishmish (vitis vinifera) – tokdoshlar oilasiga mansub uzum navi, mevasi urug`siz. Bobur mahva o`simligi gulini kishmishga o`xshatgan. Kunor- Beyr o`simligining forscha atalishi. Muallo Bed- majnuntol, toldoshlar oilasiga mansub daraxt. Shox-shabbasi pastga egilib, o`sadi. Mart-may oylarida gullab urug`laydi. Asosan, ekib o`stiriladi.

Bobur Hirotda mehmon bo`lib turganida Badiuzzamon Mirzo bilan Muzaffar Mirzo navbat bilan uni ziyofatga chaqirishgan. Ziyofatlardan birida Hirot hunarmandlari yasagan sun`iy tolni Boburga ko`rsatishgan.

Safedor- oq terak, toldoshlar oilasiga mansub. Aprel-may oylarida gullab urug`laydi. Asosan ekib o`stiriladi. Norvan (qayrag`och)-sada qayrag`och, qayrag`ochdoshlar oilasiga mansub daraxt. Bo`yi 10-12 m ga yetadi. Mart-aprel oylarida gullab urug`laydi. Manzarali daraxt sifatida shaharlarda keng miqyosda o`stiriladi. Bobur Darvesh Muhammad Tarxonning chorbog`ida «yaxshi norvan»lar borligi, Samarqand Shayboniyxon tomonidan qamal qilinganda, yem-xashak yo`qligidanotlarga tut va qorayig`och yaproqlari berilganligi haqida yozgan.

Sarv- sarvdoshlar oilasiga mansub, baland bo`yli hamisha yashil daraxt. Asosan Kichik Osiyo, Eron, Kipr va Krit orollarida o`sadi. 2000 yilcha yashashi haqida ma`lumotlar bor. Bobur Samarqandda Darvish Muhammad Tarxonning chorbog`ida sarv o`sganini yozgan.

Sarv Sharq mumtoz she`riyatida gul bilan birga eng ko`p qo`llangan timsollardan biridir. U Bobur lirikasida ham muntazam uchraydi, yorning go`zal qomatiga tashbeh:

Sarvqade, gulruxe, rayhonxate, nasrinbare.

Binafsha – (viola) Bobur Andijonsoy atrofida «bisyor latif bo`lur» deb ta`riflagan gul.

Ahamiyatli jihati shundaki, Bobur o`z asarida o`simliklarning biologik, geografik hamda yana bir qancha o`ziga xos xususiyatlarini ham ko`rsatib o`tadi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkin, Boburnoma tili soddaligi bilan hozirgi tilimizga yaqin turadi, Bobur nafaqat shaharlarni, insonlarni, balki o`simliklarni, ularning o`ziga xos xususiyatlarini ta`riflagan. Boburnomadan o`simliklarning xarakterli jihatlari, qanday iqlimda qanday o`simlik yaxshi rivojlanishi mumkinligini ham bilib olishimiz mumkin.

Adabiyotlar

1. Begmatov A. E. Hozirgi o`zbek adabiy tilining leksik qatlamlari. – Toshkent, 1985.
2. Bobur Zahiriddin Muhammad. Boburnoma. – Toshkent: Sharq, 2002.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur ensklopediyasi. – Toshkent: Sharq, 2014.
4. Mirzayev M., Usmonov S., Rasulov I., O`zbek tili. – Toshkent, 1978.
5. Pazliddinova Z. N. O`zbek tili fitonimlarining leksik-semantik xususiyatlari: filol. fan. d-ri … diss. – Toshkent, 2018. – B. 27.
6. Usmonov S. O`zbek tilining lug`at sostavidagi tojikcha-forscha va arabcha so`zlar. –Toshkent : Navoiyga armug`on, 1968.
7. Xolmonova Z. T. “Boburnoma” leksikasi tadqiqi: fil. F. dok… diss. avtoref. – Toshkent, 2009. – B. 16.
8. Zikriyoyev A. Hind sori’da pishgan qovun yoxud Mirzo Bobur kashfiyotlari // O`zbekiston adabiyoti va san`ati. – 2008. – № 6. – B. 3.

© **Qurbonova S., Hakimova D.,** 2020

М. Х. Кучкарова,
ст. преп. УзГУМЯ, г. Ташкент (Узбекистан)

АНАЛИЗ ЛИЧНОСТИ БАБУРА В УЗБЕКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Классическая литература занимает особое место в духовном воспитании подрастающего поколения, поскольку она отражает многовековую мудрость и художественное мировосприятие нашего народа. Изучение этой литературы означает изучение ценности, понимание себя.

Бабур и его произведения широко исследуются в узбекском литературоведении. В монографиях известных узбекских ученых широко освещаются жизнь и творчество Бабура и его произведения. Многие прозаические произведения («Юлдузли тунлар», «Саодат соҳили», «Бабур-наме») рассказывают о его нелегкой жизни.

За годы независимости изучение жизни и деятельности Захириддина Мухаммада Бабура перешло на новый уровень. Стоит отметить, что на ранних этапах нашей независимости литературоведение вернулось к личности Бабура, были переосмыслены исторические факты, связанные с ним, и к началу нового века началось широкомасштабное научное исследование. Оно показало постепенное изменение в интерпретации образа Бабура.

Личность Бабура была художественно переосмыслена в связи с социальными потребностями. Наша главная цель – раскрыть истинный облик и величие великого поэта.

Узбекская классическая литература – это длинная и богатая история и тысячи великих художников. Наследие каждого из них – сокровищница. Но творчество Захириддина Мухаммада Бабура уникально по своей универсальности, эффективности и художественному совершенству.

Жизнь и деятельность одного из султанов, великого поэта и государственного деятеля, великого полководца и историка Захириддина Мухаммада Бабура были и будут предметом интереса для многих поколений. Многим читателям хорошо известно, что он прожил долгую и плодотворную жизнь, полную противоречий.

Со временем ценность великого художественного наследия наших великих предков постоянно возрастает. Бобур – великий классический поэт, теоретик, литературный критик, лингвист, искусствовед, этнограф. Шах Бабур внес большой вклад в классическую лирику со своими диванами. Известно, что рукописи представлены в двух вариантах. Один хранится в Париже, а другой в Индии. Существует также Тегеранский диван Бабура, который еще не изучен. Посвящения Бабура включают в себя стихи, написанные в разных лирических жанрах: газель, рубаи, фард и др. Газель и рубаи – одни из самых излюбленных жанров лирики Бабура.

У каждого поколения есть история любви, духовная и философская сила, которым всегда поклонялись и на которые опирались. Свет сияет в сердце, в уме,

в мышлении. Это свет просвещения мира, новое восприятие человека и свет мысли, который открывает новые страницы в мировоззрении.

Писатель не историк, а, скорее, певец своего народа. Это дает романтическое освещение и настроение историческим фактам и событиям, воспроизводимым в художественном произведении. Таким образом, это может привлечь внимание читателей.

Бабур также известен на протяжении всей истории как человек, который пережил жизненные трудности, войны и восстания. Он пытался сохранить наследие Тимуридов. Жизнь свою он провел за пределами Родины. Его жизнь была связана с такими странами, как Афганистан и Индия. Бабур известен как великий деятель культуры. Уже в юности он был образованным, культурным человеком, изучающим персидский, арабский языки, литературу, историю, лингвистику, музыку и многое другое. Он написал много работ в различных областях науки. Его произведения, такие как «Бабур-наме», «Муфассал», «Хатти Бобурий», «Военная работа», «Мубаййин», перевод «Волидия» и других произведений ислама добавили ему популярности.

Если бы богатство человека могло дать ему счастье, несомненно, Бабур был бы счастлив. На самом деле, Бабур в своей жизни получил большое богатство, но он не был счастлив. Это потому, что у него высокое восприятие счастья. Он не смотрел на богатство соседних государств, а напротив, стремился сделать процветающим свой город. Счастье в системе художественных ценностей Бабура имеет высокий статус.

Его личность и творчество привлекают внимание литературоведов, историков, лингвистов, географов. В своей книге «Открытие Индии» Дж. Неру пишет о Бабуре: «Бабур был обаятельным человеком, типичным правителем эпохи Возрождения, смелым и предприимчивым человеком. Он любил искусство, литературу, и он наслаждался жизнью».

В советское время подход к творчеству Бабура был односторонним. Предпринимались даже попытки осудить его. Дошедшие до нас лирические стихи Бабура были опубликованы в 1917 году в Петрограде востоковедом А. Самойловичем. В 1940 году изучение жизни и деятельности Бабура в девятом классе было определено Государственной программой. Учебник по литературе также включает в себя жизнь и деятельность Навои, Турди и Мукими, а также Бабура. А в 1947 году в прогамму 7 класса были введены произведения Бабура. Работы Бабура были включены в детскую литературу. Составлен словарь его работ. В последние годы были опубликованы различные произведения Бабура. Учеными-бабуроведами было проведено много исследований. Литературное наследие Бабура очень разностороннее. Его стихи и «Бабур-наме» изучаются отдельно.

Некоторые аспекты личности Бабура освещены в «Хумаюн-наме» Гулбаданбегим. Любящий отец, посвятивший свою жизнь своему сыну, великий путешественник, великий незнакомец, великий неудачник, великий мечтатель, унаследовавший славу великих побед. Давайте заострим на этом внимание, наделим очарованием и извлечем уроки.

Литературное наследие Бабура сегодня стало достоянием нескольких народов. Существуют как общечеловеческие, так и национальные интерпретации образа Бабура. Благодаря интерпретациям образа Бабура в узбекской литературе, читатели всего мира обращают внимание на его универсальные качества. Они гордятся идеями, выдвинутыми в его трудах, ради служения человечеству.

За годы независимости публикации сведений о жизни и работе Бабура стали важной проблемой. Как мы уже говорили, любой, кто интересовался личностью Бабура, публиковал свои материалы в средствах массовой информации с желанием поделиться своим мнением. Целью было вернуть Бабура в национальное сознание, после того как при советской власти его личность изображали в черных тонах.

Бабур и его качества имеют большое социальное, воспитательное и эстетическое значение. Создатели образа Бабура сегодня обращаются к этому великому историческому деятелю, его творчеству и его судьбе, чтобы обучать молодых людей, которые вносят свой вклад в развитие нашей независимой страны. Почти все деятели узбекской литературы XX века писали о Бабуре.

Сегодня роль и значение воспитательными, богатой традициями узбекской классической литературы, чрезвычайно возросли. Все это способствует росту внимания к фактам, свойственным художественному самовыражению. В узбекской литературе мудрость народа, мудрость чувств и чувствительность, которые воплощены в простых выражениях, свидетельствуют о богатых возможностях языка. Все это свидетельствует о том, что культура художественного мышления вышла на новый уровень.

Мы надеемся, что это исследование станет важным фактором в изучении творчества и в изучении личности Бабура и сыграет роль в воспитании современной молодежи.

Захириддин Мухаммад Бабур – одна из самых ярких личностей, духовный мир которого отражен в его произведениях. Это также заветный и драгоценный символ вечности, который побуждает каждого из нас быть достойными Родины и уверенно двигаться вперед в будущее.

Литература

1. Джалилов Б. Бобур. – Т. : Учитель, 2004.
2. Иззат Султан. Теория литературы. – Т. : Учитель, 1980.
3. Куронов Д. Введение в литературоведение. – Андижан : Жизнь, 2002.
4. Маллаев Н. М. История узбекской литературы. – Т. : Учитель, 1976.
5. Уринбоев А. Духовность – это сила нации. – Т. : Узбекистан, 2006.

© **Кучкарова М. Х.**, 2020

Б. Й. Кушокова (B. Y. Qo'shoqova),
PhD, O'zDJTU, Toshkent (O'zbekiston)
Д. Умирова (D. Umirova),
O'zDJTU, Toshkent (O'zbekiston)

Аннотация: Статья посвящена Захириддину Мухаммаду Бабуру в качестве представителя и почитаемой личности двух народов – узбекского и индийского. В статье анализируется произведение Бабура как личное обращение завоевателя к родным землям и новоприобретенной родине. Приведены цитаты, посвященные детству Бабура, походам в горы Афганистана, покорению Индии. Большое внимание уделено описанию жизни властителя, проведенной в родной Средней Азии в борьбе за власть в междоусобных войнах. Автор статьи указывает, что в честь Захириддина Мухаммада Бабура были названы различные географические объекты, улицы, театры, кафе и кинотеатры его родного города Андижана, созданы научные и документальные произведения, посвященные «сыну династии Тимуридов».

IKKI XALQ DILBANDI ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR

Shuni aytish joizki, Zahiriddin Muhammad Bobur –
Hindiston va Movaraunnahr boshidagi toj bo'ldi,
asl yurtning asl o'g'loni qanday bo'lmog'i kerakligini,
Temur tig'i ololmagan yerni Navoiy qalami bilan olganidek
Bobur ham hali Kolumb topmagan yerni,
yangi va eskirmas makon- qalblarni egalladi.
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyev

Har bir o'lkani o'z qariga olgan, sabolardan madhini qizg'angan, dengizlardan uning diydorini so'raydigan, ilk bodom gullariga shivirlab uning sog'ligi uchun duo o'qishini so'raydigan asl insonlari bo'ladi. Darhaqiqat, bunday kimsalar nomini xalq yuragiga o'yib eslaydi, qirga chiqqan lolalar yurak bag'rini chok-chok qilib eslaydi. Bu kabi inson nomini men xuddikim polapon chug'urchuqqa o'rmondagi eng kuchli, eng hayotbaxsh qush haqida so'zlagandek men ham bu muazzam kundan siz bilan ikki lolaqizg'aldoq uyalganidan rang olgan dudog' orasida faqat g'urur va iftihor bilan yangraydigan nom, ya'ni Zahiriddin Muhammad Bobur haqida o'zimnining kun qulog'imga pichirlagan, tun jimgina shivirlagan o'zbekning ham shohi, shoiri, davlat arbobi, tabiatshunos, adabiyotshunosi haqida fikrlarni aytib o'taman.

Kerakli o'rinda shuni ta'kidlash zarurki, Hindistonning eng mashhur arboblaridan biri Mahatma Gandi Zahiriddin Muhammad Bobur haqida shu so'zlarni aytadi: «Hurmatli, Hind xalqining hali hech kim egallashga ulgurmagan makon – qalbining eng to'ridan joy egalladi, u go'zal inson edi nega bilasizmi buning sababi uning 3,5 asrlik sulolani bunyod qilganidan ham emas, shoh bo'lganligi uchun oddiy bir takalluf ham emas, balki bu o'zga yurtga uning dardiga yelkadosh, qalbidagi

yaralarga malham bo'la olgan, hind, musulmonni ko'nglini birday yoritib qizlarimizning nomusini o'z nomusiday asragan xalq homiysi sifatida keldi, e'tibor bering men uni shoh sifatida emas aynan xalq xomiysi sisatida kelganini ta'kidlayapman. Haqiqatdan ham bu kurrayi zamin bunday odil shoh va shoirni ko'rolmadi, oxiri hasadning qora qo'llari uni zaharladi, garchi shunday bo'lsa-da Zahiriddin Muhammad Bobur Kobulda emas, balki har bir hind o'g'loni qalbida». Shunisi haqiqatki, Bobur 1483-yil nafaqat hind balki o'zbeklar hayotida ham nur bo'lib porladi, onasi Qutlug' Nigorxonim u niholligida shunday ishlov berdiki otasi Umarshayx Mirzo bu niholni adolat suvi bilan sug'ordi va halollikdan toj kiydirdi.

Mehr daryosiga Zahiriddin Muhammad Bobur g'arq bo'lgani uchunmi u Hindiston tuprog'iga yetganda eri o'lgach xotinini ham yoqib yuboradigan qandaydir qoidalarni ildiziga bolta urdi. O'sha paytlar avj olgan jizya solig'ini ham hech qanday ikkilanishlarsiz bekor qildi. Bu ishi bilan Hindiston dehqonlarini och-nahor qolishdan, soliq balosidan qutqardi. Indra Gandi buning isboti sifatida shunday fikrlarni aytadi: Zahiriddin Muhammad Bobur – Hindistonning yuzidagi zulmat pardasini hech qanday manfaat ko'zlamasdan ochgan, cho'l-u dashtga, bog'-u rog'ga nurning baravar kelishida hatto o'z jonini ayamagan bizning qahramon shohimizdir. Buni isbotlashni joizi bo'lsa, bunga isbot sifatida «Bobur osma bog'lari» yetti mo'jizaning biri ekanligini, Zahiriddin Muhammad Bobur hind boshqaruvini uning o'z xalqiga topshirganligida ko'rishimiz mumkin, e'tibor bering deyarli hech qanday shoh davlat boshqaruvida Bobur yo'lini tutmagan, o'zlarini daho sanab bundan natija ham kutmaganlar. Biz Bobur hayotiga sekin razm tashlaydigan bo'lsak, bunaqangi hayot tarzini yuz yilda bir barotaba uchratish mumkin Zahiriddin qahraton qish 14-fevralda tug'ilganiga sabab Alloh unga qahri qishday qattiq bo'lgan kimsalarni bahorga aylantir degan bo'lsa kerak. Boburning komil shaxs bo'lib yetishishida ham otasi – Farg'ona viloyati hokimi Umarshax Mirzo va Mo'g'uliston xoni va Toshkent hokimi Yunusxonning qizi edi. Onasi oqila, fozila, tadbirli ayol bo'lgan shu sabab 12 yoshli Zahiriddin Muhammad Boburga yo'ldosh bo'lish uchun u bilan hatto janglarda ham u bilan birga bo'ldi, bundan tashqari davlat ishlarida anchagina tajriba sohibi Hojiqozi ham unga madadkor bo'ldi. Otasi Umarshayx tabiatga oshuftaligi sabab har yoz ular Sirdaryo bo'yiga va Axsiga borishgan. Bu esa Boburning she'riyatiga ta'sir etgan bo'lsa, fiqh, ilmi arab, fors, harbiy ilmlarni o'rgangani uni ma'naviyatini mustahkamlab shohlikka tayyorlagan, uni sher Bobur deb laqab olishiga otasi bilan safarga chiqqanda beihtiyor sher bolalarini ko'rib qolib ular bilan bemalol, hevh qanday qo'rquvlarsiz o'ynagani sabab bo'lgan ayrim manbalarda aytiladiki, Bobur shunchalik dovyurak bo'lgan, hattoki oddiy insonga tashlangan sherni ko'rib juda yosh bo'lishiga qaramay, u sherni yengani sabab shu nomni olgan.

Nima bo'lganda ham Boburga 1494-yil og' ir keladi, negaki u o'z suyangan tog'i, tayanchi Umarshayx Mirzodan Axsi qo'rg'onida baxtsiz hodisa sababli 39 yoshida hayotdan ko'z yumadi. Bobur yuqorida aytib o'tilganidek o'zining eng ishonchli odamlari bilan davlatni boshqaradi, lekin baxtga qarshi Boburning jonday jigarlari unga qarshi chiqadi, hattoki ayrim saroy ayonlari unga bo'ysunishdan bosh tortadi. Ularning ba'zilari Boburdan ko'ra ko'proq uning ukalarini maqullasa, ba'zilari mustaqillik talab qilganlar.

Zamin shunchalar teskari bo'ladiki, hatto o'sha vaqtda o'z jigarpora tog'a-yu amakilari unga qarshi isyonning mash'ali bo' ladi, ayniqsa Ahmad Tanbal va Sulton Mahmudlar, lekin ularga mehribon Allohning atagan o'z jazosi bo'ldi, men o'sha vaqtda o'lat tarqab, ularning Qorasuv ko'prigidan o'ta olmay qolganini nazarda tutyapman. Aynan shu sabab Zahiriddin Muhammad Bobur «Boburnoma» asarini «... tengri taoloni inoyati bilan» deb boshlaydi. Ayrim joylarda aytiladiki Xo'ja Ahror Voliyga juda ixlos qo'ygani sabab, uning ruhi uni ko'p falokatlardan, ko'rguliklardan asragan.

Bobur temuriylar sulolasi asoschisi Amir Temur poytaxt qilgan Samarqandni markaz qilish niyatida ko'p qiyinchiliklarga ham uchradi, hatto oziq-ovqat ta' minoti to'sib qo'yilib, 7 oy qamalda qolib ham ketadi, o'z jigari o'zini Shayboniyxonga bahshida etish evaziga qamaldan qutuladi. Boburning Samarqandni olishida o'z ukasi Jahongir Mirzo Andijonni egallab, Boburning 100 kunlik hukmronligidan so'ng uni yana 1500-yilda sulh uchun borishiga sabab bo'ladi. Sulh natijasida Andijonni olib, Axsini beradi. U o'zining kam sonli askari bilan 1504-yilda Kobulni zabt etib, u yerda ham yuragi taskin topolmay, ya'ni o'z yurtini qo'msab o'rniga Kamron Mirzoni qo'yib Hindistonga yo'l oladi Kobuldagi bir necha yil hukmronligi davrida Zahiriddin Muhammad Bobur Hindiston hayotini, uning ichidagi rojalar orasidagi keskin ziddiyatlarni sinchiklab o'rganadi va uzoq vaqt o'rganish va tayyorgarliklardan so'ng 1526-yil o' sha mashhur Panipat jangida 100 ta askari bilan 12000 qo'shinga ega Ibrohim Lo'diy bilan to'qnashadi va uni yengib o'sha yili o'ziga xutba o'qitadi.

Zahiriddin Muhammad Bobur adolatli, shu sabab Lo'diy oilasi a'zolarini qilichdan o'tkazmadi, Ibrohim Lo'diyning qanchadan qancha rafiqalar-yu kanizaklarini nomusini toptamadi, ularni askarlariga berib ko'ngulxushlik qilinglar demadi, negaki uning dini islom, o'zi musulmon edi-da. Nega har doim ezgulikni yo'lini to'saveradi qora kuchlar bilmadim, ammo aynan Ibrohim Lo'diyning volidasi Boburni oshpazga ma'lum miqdorda pul berib uni zaharlaydi. Ayrim manbalarda ta'kidlanishicha, Zahiriddin Muhammadga zahar berilishidan oldin zaharga qarshi immunitet hosil qilgani haqida aytiladi. Lekin zahar baribir o'z ishin minglab tabiblar chora-tadbirlariga qaramasdan asta – sekin qiladi. Bu orada shoir Zahiriddin Muhammad Bobur o'z vatani soginchida o'rtanib, yonib yashadi shu sabab hammamizga tanish Andijon qovuni haqida rivoyatlar tarqaladi.

Haqiqatdan ham vatan hissi, vatan tuyg'usi biz beshikdaligimizdanoq kurtak yozadi, u biz bilan tug'iladi, biz bilan qabrga ketadi. Zahiriddin Muhammad Bobur ham xuddi ovulda yashaydiganlar, hech qanday dunyo hashamlarisiz, oddiy hasdan iborat uyini, tog'ning eng chekka joyidagi, chekka makonda joylashgan qishloqlarda istiqomat qiladigan uylari zax, ko'rimsiz toshdan iborat bo'lgan kimsalar ham o'z uyini qo'msagandek Bobur ham ertaklardagi Susambilga monand, kelsa har yog'idan jannat isi keladigan go'zal ona diyorini qo'msab, men yurtimga tog'day qalqon bo'loldimmi, sel kelganda to'g'oni, jaziramada soyaboni bo'loldimmi, degan fikrlar og'ushida umrguzaronlik qildi. Shunchalar sog'inch yomg'irida u shu satrlarni bitdi:

Tole yo'qki jonimg'a balolig' bo'ldi
Har ishniki ayladi xatolig' bo'ldi.
O'z yerni qo'yib Hind sori yuzlandim

Yo rab netay, ne yuz qarolig' bo'ldi.

Misralar haqida Erkin Vohidov o'z fikrini bildiradi: «Zahiriddin Muhammad Bobur-ijod gulshanining bog'boni Alisher Navoiyning asl shogirdidir». Haqiqatdan ham she'riyat, g'azalxonlik deganda ko'zimiz oldiga ilk bor Alisher Navoiy kelsa, uning yonida albatta Boburni ko'ramiz. Bobur she'riyat osmonida eng yorug' o'chmas yulduz bo'ldi. Buni o'z baytim orqali tasvirlasam:

Qalblarni titratar Bobur she'rlari,
Hech boshin egmagay o'zbek erlari
Hind osmonida yulduzday bo'lgan
Bu asl o'zbekning mard Boburlari.

Shuni ham aytish o'rinliki Zahiriddin Muhammad Bobur Kamron taxallusi bilan ham marjonday ipga terilgan o'zining g'azal-u ruboiylarini yozgan. Bunday shahsga nisbatan o'zbek qalbida yuksak hurmat - e'tibor mujassam. Shuning natijasida 1993-yilda Bobur tavalludining 510 yilligi keng nishonlandi, bunga qo'shimcha ravishta shuni aytish mumkinki, Andijondagi kutubxona, teatr, milliy bog'ga («Bobur milliy bog'i») deb nom berildi. Andijondagi ko'cha va mavzelarga, Xonabod tumanidagi istirohat bog'iga, Toshkentdagi istirohat bog'iga va ko'chalarga qarasak, Zahiriddin Muhammad Bobur nomiga ko'zimiz tushadi. Bundan tashqari O'zbekiston Fanlar Akademiyasi tomonidan Bobur medali ta'sis etildi. Bu medalga birinchi bor Ubaydulla Karimov sazovor bo'lgan. Aynan mustaqillik yillarida Zahiriddin Muhammad Bobur ijodiga e'tibor qaralib 1993-yilda Bobur jamg'armasi andijonlik atoqli tabiatshunos Zokirjon Mashrabov boshchiligida tashkil etildi. Bu jamg'arma Hindiston tuprog'ida buyuk ajdodimiz Bobur qadami yetgan joylarni 200,000 km masofa bosib ziyorat qilib o'rganib chiqdi. Bundan tashqari Zahiriddin Muhammad Bobur atab Bobur jamg'armasi tomonidan 10 ta ilmiy ekspeditsiya, 10 ta ilmiy, hujjatli badiiy asar, 10 ga yaqin hujjatli, badiiy filmlar yaratildi.

Asrlar osha shoirlarning shohi, shohlarning shoiri Mirzo Bobur o'zbek xalqi xazinasiga o'zining asl durdonalarini joylagan o'zbek va hind xalqining sevimli dilbandi.

© **Qo'shoqova B. Y., Umirova D.,** 2020

Т. В. Лосева-Бахтиярова,
к. ф. н., доцент ИСАА МГУ, г. Москва

РОЛЬ «ЗАПИСОК» БАБУРА В ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ СРЕДНЕАЗИАТСКИХ (УЗБЕКСКИХ) ЦЫГАН

В данной работе мы предприняли попытку представить знаменитое и бесценное по своему значению произведение Бабура как один из важнейших средневековых источников, способных пролить свет на историю, пожалуй, самого малоизученного и закрытого народа Средней Азии.

Летом прошлого года совместно с директором бухарской фотогалереи Шавкатом Болтаевым мы посетили поселки под Бухарой, где в течение многих лет проживают среднеазиатские цыгане. Целью нашего полевого исследования был сбор лингвистического, этнографического и фольклорного материала указанной этногруппы.

Следует отметить, что цыгане, проживающие на территории Узбекистана, как и все среднеазиатские цыгане в целом, изучены крайне мало, в том числе из-за закрытости данных сообществ, вопрос об их происхождении до сих пор остается открытым, сведения по их языку немногочисленны и не систематизированы. Таким образом, наше первое подобное исследование, мы надеемся, положит начало всестороннему углубленному изучению цыган Узбекистана, в первую очередь, их языка и истории, определению их места среди народов и этнических групп, проживающих на территории Узбекистана.

Бу бирликнинг ҳозирги кунда ҳам келиш ўрни қўшма сўз таркибида бўлиб, феъл билан бирикма ҳосил қилади. Бу бирликнинг бир томондан туркий сўз

эмаслиги, иккинчи томондан кам қўлланилиши унинг лисонда айрим сўзлар(феъл) билан бирикма ҳолида шаклланиб ифодаланишига омил бўлиб хизмат қилади.

Забт. Унинг ҳибс, мусодара, тергов маънолари бор бўлиб, *забт этмоқ, забт қилмоқ* каби қўлланилиш шаклларига эга. Бу бирликнинг қуйидаги маънолари мавжуд:

1. *босиб олмоқ, эгалламоқ, ишғол қилмоқ*. Хабар топиб муҳассиллар йибориб, корвоннинг жами' жиҳатини забт қилди.
2. *ўз ҳукмига бўйсундирмоқ, жиловламоқ.* Дерларким, қазоқ хон ва султонларининг ўрасида ҳеч ким ул улусми Қосимхонча забт қулғон эмастур.

Қўшма сўзнинг таркибий қисми сифатида ҳозирги кунда қўлланиш шаклига эга бўлиб, феълга бирикиб кела олади. Бу бирлик тарихий сўз бўлмасада, шу каби тарихий жараёнларни ёритишга хизмат қилганлиги учун лисонда кам қўлланилишига, ва айнан, феъл билан бирикиб ифодаланишига сабаб бўлган.

Зое [а.ёқолган, нобуд бўлмоқ] бу бирлик бекор кетмоқ; фойдасиз, яроқсиз бўлиб қолмоқ; бирор ишни бекорга кетказмоқ, йўқ қилмоқ каби маъноларига ҳамда *зое бўлмоқ, зое қилмоқ* каби қўлланилиш шаклига эга.

1. *ҳайф бўлмоқ, қўлдан кетмоқ;*

...қалин черик келиб кўрукда тиқилиб, қалин ўт ва тева бу қўра сувға йиқилиб зое кетди.

2. *нобуд қилмоқ, ҳалок бўлмоқ;*

Чун ярўқсиз уруш солилиб эди, баъзи йиғит-яланг зое бўлиб, ҳейли киши яралиқ бўлди.

Бу бирлик ўзбек тилида ибора ҳолида ҳам келади ва бу ҳолда унинг маъноси: бефойда сарфланмоқ.

Фойдали сўзининг зиди саналган бу бирликларнинг мустақил ҳолда қўлланилиш ўрни мавжуд эмас. Бу бирлик ибора (яна ҳам аниқроғи қўшма феъл) нинг таркибий қисми сифатида қўлланилади.

Рўй [ф. юз, юза, сатҳ] Бирор нарсанинг сиртқи томони, юзи. Бу бирлик ўзбек тилида деярли кам қўлланилиб, унинг ҳозирда *рўй бермоқ* шакли истеъмолда кўпроқ ишлатилиб, рўй бирлигининг ўзи лирик асарлардан ташқари мустақил қўлланмайди.

Унинг *содир бўлмоқ, воқе бўлмоқ, юз бермоқ* каби маънолари мавжуд. Мундоғ улуғ вақоэ рўй берганда Умаршайх мирзодин қолган беклар ва йигитлар яхши қатланиб мардона жонлар торттилар.

Феъл билан бирикма ҳосил қилиши ва қўшма феъл таркибида етакчи бўлиб келиш ўрнидан ташқари унинг изофали таркибда келиш ўрни ҳам мавжуд: *рўйи жаҳон, рўйи замин*.

Рухсат [а.ижозат, ижозат(розилик) қоғози] бу бирликнинг бирор ишни бажариш, қилиш, амалга ошириш учун шу ишга тааллуқли ёки жавобгар киши(лар)га ижозат бериш маъноси бор.

... мағлуб бўлиб иликка тушди. Яна Юнусхон яхшилик қилиб вилоятиға рухсат берди.

От туркумига оид бўлган мазкур бирлик феъл билан бириккан ҳолатини (қўшма феъл сифатида шаклланганини) кўрдик. Ҳозирги кунда бу бирликнинг қўшма феъл таркибидан ташқарида якка ҳолда қўлланилиш ўрни мавжуд эмас. Аммо унинг кесим вазифасида келиб, якка ҳолда келиши мумкин, фақат у кўпинча оғзаки нутқда қўлланилади.

Машғул [иши кўп, иш билан банд]. Бирор иш билан банд бўлган, шуғулланаётган.

1. *доимий шуғулланмоқ;*

... Хисравшоҳға тааллуқ эл ҳамиша шурб ва зиноға машғул эдилар.

2. *банд бўлмоқ;*

Ҳайдар кўкалдошким муғул черикнинг рукни аъзами эди, ировул эди, тамом оттин тушиб, шиба қўймоққа машғул бўлди.

Буюрилдиким, икки-уч ерда серкоплар ясаб, нақблар солғайлар. Қалъағирлиқ асбобиға бажид машғул бўлғайлар.

Бу бирликнинг кесим вазифасида келгандағина алоҳида келиш ҳолати кузатилади. Аммо ҳозирги кунда ҳам бу бирлик қўшма феълнинг таркибидан ташқарида эркин қўллана олмайди. Унинг феъл билан бирикиши мумкин ва унда белгини билдириб келади: *машғул бўлмоқ* тарзида.

Ғарқ [а.сувга чўк(тир) иш, бот(ир)иш] *ғарқ бўлмоқ, ғарқ қилмоқ* тарзида қўлланилиб, чўкмоқ, сув қаърига кўмилмоқ маъноларига эга.

Кўпрак черик эли Чир суйида ғарқ бўлдилар. Яна бир мартаба Ҳайдар кўкалтош била Ёр яйлоқнинг навоҳисида ғойиб бўлди.

Андоқ қалин черикка не иш қила олғай эди. Сўнғғича қовғунчи борди, ўзин дарёға солди, ғарқ бўлади.

Ҳозирги тилда бу бирлик ҳам феъл билан бирикиб келади ва шахснинг белгисини билдиришга хизмат қилади. Умуман олганда, бу каби лисоний чегараланган бирликлар ўзбек тилида анчагина бўлиб, биз бу бирликларни фақатгина «Бобурнома» асари негизида айрим кўриб чиқдик. Жонли нутқда бу сингари бирликлар, хусусан, мақол, матал ва иборалар таркибида ҳам талайгина.

Адабиётлар

1. Бобур З. М. Бобурнома. – Т. : Юлдузча, 1989. – 368 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати : 5 томлик. – Т. : Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 5 том.

© **Маҳмудова З.,** 2020

Н. Махмудова (Н. Маҳмудова),
ФарДУ адабиётшунослик йўналиши магистранти, Фарғонашаҳри (Ўзбекистон)

Аннотация: Статья посвящена произведению Бабура «Мубайин»: исследованы причины его написания, а также композиция и идейное содержание произведения. В 1521 году во время своих походов в Индию Бабур создал произведение «Мубайин», посвященное исламскому праву и догмам шариата. В нем собраны сведения о социально-экономической жизни Мавераннахра и Индии XVI века. Сочинение было написано в качестве наставления для наследных принцев Хумаюна и Камрана-мирзы, в нем описан порядок совершения молитвы, отражены вопросы закята и хаджа.

Подробное изучение данного произведения стало возможным только после обретения Узбекистаном независимости. Тогда же был впервые опубликован текст с комментариями. Автор выражает уверенность, что «Мубайин» может стать ценным источником не только для литературоведов, но и для исламоведов, историков, философов, экономистов, лингвистов и педагогов.

БОБУРНИНГ ДИНИЙ – ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бутун жаҳон маданиятига, тарихига, илм-у фанига ўзининг бой мероси билан катта ҳисса қўшган.

1521 йил Ҳиндистонга юришлари даврида Бобур «Мубаййин» асарини яратди. Маснавий тарзида ёзилган, ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат ақидаларига бағишланган бу асарда Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонга оид ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бўйича қизиқарли маълумотлар ҳам жамланган. Валиаҳд Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзоларга дастуриламал сифатида мўлжалланган «Мубаййин»да, айни замонда намоз, закот ва ҳаж зиёрати тўғрисида ҳам шарьий мезонлар баён қилинган.

Бобур ижодида «Мубаййин» асари алоҳида катта ўрин тутади. Бу асар фақат истиқлол йиллари изоҳлар билан нашр этилди.

Бу асарни кенг кўламли ўрганиш ишлари юқорида айтиб ўтганимиздек, асосан Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришганидан сўнггина рўёбга чиқди. Бобурнинг бу асари нафақат адабиётшунослар, балки исломшунос, тарихчи, файласуф, иқтисодчи, тилшунос, педагог ва бошқа қатор соҳа олимлари учун қимматли манба бўла олади. «Мубаййин» асари ўтмишимизнинг бой маънавий мероси билан ҳур халқимизнинг баркамоллик йўлидаги саъй-ҳаракатлари, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Бу асар ислом дини рукнларини баён қилишга бағишланган бўлиб, маълум вақтга қадар илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келган эди. Бу асарнинг биринчи боби иймон масалаларига бағишланган бўлиб «Эътиқодия» деб аталади. Бобур бу асарни фарзандалари Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзоларга ислом илмини чуқур эгаллашлари учун ёзиб қолдираётганини қуйидагича баён қилади:

Билгасен эй хўжаста-е фарзанд,
Жигарим бирла жонима пайванд.
Масалаларки, ул зарур эрди,
Билмасанг динингга қусур эрди.
Йетти кўнглимга-ким йиғиштурсам,
Назм тартибида сиғиштурсам,
То ани забт қилга-сен осон,
Ул масойилни билга-сен яксон.
Тонглалиқ кундаким ҳисоб ўлғай ,
Манга ажру сенга савоб ўлғай… [1, 7]

«Мубаййин» асарининг кириш қисмида ҳар бир мусулмон учун амал қилиниши зарур бўлган шартлар устида гап боради. Аввал беш фарз – иймон, салот, закот, савм, ҳаж ҳақида қисқача тўхтаб ўтилади. Сўнгра беш фарзнинг аввалгиси, иймон ҳақида тафсилоти билан баён қилинади. Бу бобда Оллоҳнинг ўзигина маъбудлиги, муқаддас китоблар-у анбиёларининг барҳақлиги, охират кунининг ва барча яхшилиг-у ёмонликлар яратувчининг иродаси билан содир бўлиши ёрқин мисралар орқали ифода этилади. Хақ субҳоноллоҳнинг субути сифатлари – ҳаёт, илм, иродат, қудрат, сам ва басар (эшитиш ва кўриш), тақдирга ишорат қилинади. Китоби «Этиқодия» да Муҳаммад (с. а. в.) Пайғамбаримизнинг фазилатлари, мерож сифатларига алоҳида ишорат қилиниб, унинг саҳобалари Абу Бакр, Умар, Усмон, Алиларнинг дин ишига зийнат берганликлари тафсилоти билан бирма-бир айтиб ўтилади. Кейин Аҳли Қибла, мазҳаб иймонлари ва бизнинг муқтадомиз Абу Ҳанифа ҳақида таъсирчан мисралар моҳирлик билан битилган. Бобур зоҳид фосиқ ва яхши-ю ёмон орқасида намоз ўқилиши жоиз эканлиги масалаларига ҳам алоҳида ўрин берган. Рисоланинг бу бобида охират куни, бандаларнинг савол-жавоби, номаи аъмоли, мезон, аросат, мавоқи, шафоат, сирот, мушрикларнинг манзили-ю мўминларнинг мақоми, дўзах, хавзи кавсар, биҳиштга ишорат қилинади. Асар «Эътиқодия» иймон шароити ва иймоннинг натижаю фойдаси ҳақидаги масалалар билан якунланади.

Асарининг кейинги бобларида намоз, закот, рўза ва ҳаж рукнлари тафсилоти баён қилинади.

«“Мубаййин” асари юқорида таъкидлаганимиздек “Ҳамд” – Аллоҳ таолога ҳамду-сано, “Наът” - Пайғамбаримизнинг таърифлари, “Китоб назмнинг сабаби” каби кириш қисмларидан ва “Эътиқодия”, “Китобус салот” (Намоз китоби), “Китобуз закот”, “Китобус сам” (Рўза китоби), “Китобул ҳаж” каби беш рукнга доир боблар ҳамда “Китоб хотимаси” бўлимидан иборат еканлигини юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик. Бобур ҳамдда давом этиб: инсоннинг жисмида неча тук бўлса, улар сенинг ва бошқа барча инсонларнинг танида тил бўлиб, ҳаммаси Аллоҳнинг ҳамдини айтиб, уни зикр қилса, ойлару йиллар Унга ҳамду сано айтса, барчаларининг сўзи бир бўлади: ҳаммалари ўз ожизлигига иқрор бўлади, холос», дейди. Яъни, ягона ва қудратли Зотнинг наздида ҳамма ўз ажзига иқрордир. Бу таърифлар Бобур маърифатининг мумтоз намуналаридир.

Бобур Мирзо назм тили билан: «Йўлчисиз, йўлбошчисиз ким йўлда бора олар эди? Борса ҳам биринчи қадамдаёқ қолиб кетади. Лекин кимнинг ҳазрат Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) каби йўлбошчи, кузатувчи, нигоҳбони бўлса, йўлда юз хавф учраса, не парвойи бор – у зотнинг йўлида юриб, суннатига амал қилдими, бас, албатта, яхшиликка эришади», дейди.

Бу асарда ёшлар тарбияси учун ҳам жуда керакли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатилган.Мисол учун «Эътиқодия» бўлимида Бобур аҳли суннат вал жамоат ақидасининг муҳим қоидаларини баён этади. Жумладан, имом ёки бошлиққа бўйсуниш ҳақида бундай ёзилади:

Халқ аро кимки подшоҳдурур,
Тоатин қилмасанг гуноҳдурур [1, 22].

«Ишорат тўрт имомғаким, муқтадойи дину пешвойи ахли тайинлар» деган бобда Бобур ахли суннат вал жамоат фиққи-нинг тўрт имоми бархақ, эргашиладиган зотлар экананини таъкидлалайди:

Билки, бу тўрт имом барҳақдурур,
Ким алардин бу динга равнақдурур.
Бу имомеки, шар адосидурур,
Дин ила шар муқтадосидурур [1, 20].

Сўнг имомлар номини санаб: «Бириси Абу Ҳанифаи Нўмон (ибн Собит) дур, яна бири Шофиъийи пурдондур, яна бири (Имом) Молику яна (Имом) (Аҳмад ибн Ҳанбал), қилдилар жаҳд шаръ аро беҳад», деб уларнинг фазилатини билдиради.

Буларнинг ҳар бирининг изидан бориб, эргашган киши яхши даражалар ва нажот топишини таъкидлайди:

Тенгридин бизга латифадурур,
Муқтадомиз Абу Ҳанифадурур.
Тенгрига шукрлар дейинг яксон,
Қилди бизларга ишни ул осон [1, 22].

Бу сўзлар Соҳибқирон Амир Темурдан бошлаб барча темурийларнинг соф эътиқоди ифодаси. Айни вақтда, Бобур Мирзо шаънига айтилган баъзи туҳматларга ҳам ўзига хос раддиядир.

Бобур Мирзо «Мубаййин» хотимасида: «Эй Бобур, бу китоб таснифида агарчи ранж чеккан бўлсам-да, қўлимга шундай бир ганж-хазина кирди, ҳар қандай ганжни харж этиш билан камаяди, аммо бу маънавий ганж – бу илм хазинаси харж этган сари тобора ортиб боради», дейди:

Бобур, эмди, агарчи чекдим ранж,
Келди илгимга ушбу янглиғ ганж.
Ганж нуқсонга харждин тортар,
Харж қилғон сойи бу ганж ортар [1, 65].

Бобур Мирзо китобни якунлар экан, бу илмларга амал қилишга ўзи ва китобхон учун Аллоҳдан тавфиқ-ёрдам сўрайди. Сўнг китоб номи ҳақида сўзлаб: «Ғайрат, шижоат кўрсатиб, жидду жаҳд қилиб тамомлаган бу китобимда шариат масалаларини очиқ баён этганим учун, уни «Мубаййин» (Очиқ баён этувчи) деб номлаган бўлсам, не ажаб, дейди.

Ниҳоят, Бобур асар сўнгида айтади:

Уламодин будур менинг тилагим,
Қўлдағайлар бу иш аро билагим.
То бу иштин савоб топқайлар,
Авф зайлини манга ёпқайлар [1, 165].

Бу ифодадан улуғ шоҳ ва саркарда, қомусий аллома Бобур Мирзонинг нақадар камтарин, гўзал хулқли ориф ва ҳалимзот бўлгани ҳам англашилади.

Шунингдек, улуғ шоҳ ва шоир Бобур диний аҳкомлар ҳақидаги назмий бу рисоласини туркий, яъни ўзбек тилида яратишни ўзи учун ифтихор деб билгани ҳам шубҳасиз. Чунки Заҳириддин Муҳаммад Бобур ушбу асарини фарзандлари Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга дастуриламал сифатида мўлжаллаган бўлса, айни вақтда халқ ҳам ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат ақидаларига бағишланган бу асардан баҳра олишини, иймон ва эътиқодларини мустаҳкамлашларини орзу қилган. Қолаверса, бу тарихий шарт-шароит вужудга келтирган маънавий эҳтиёжни қондириш йўлидаги катта қадам эди. Кўринадики, асарда баён этилган, бажарилиши лозим бўлган исломий амалларнинг маънавий-руҳий жиҳатлари Бобур Мирзонинг бошқа бадиий рисолаларида кузтилмайди.

Бу асар орқали Бобур фарзандлари Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзоларнинг давлат бошқарувида хатоларга йўл қўймасликлари, уларни ўз халқи олдида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлишлари, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бахт-саодатга эришишлари учун бир қўлланма сифатида уларга мерос қилиб кетди. Бунга исбот сифатида мана бу сатрларни олишимиз мумкин:

Дин-у донишда ҳар кун афзун бўл,
Давлат-у бахт ила Ҳумоюн бўл
Комрон бўл жаҳонда, давлат кўр ,
Юз туман обрўю иззат кўр [1, 7].

Бу сатрлар орқали Бобур «**Ҳумоюн»** дея ҳам ўғлининг исмини, ҳам бу исмнинг таг маъносини яъни «шоҳона, виқорли» каби исмининг маъноларига, Ҳумоюнмирзога ишорат қиляпти. Кейинги сатрларда ҳам худди Ҳумоюн Мирзога ўхшаб «**Комрон**» дея аввал ўғлига кейин эса унинг сифатларига «Бахтли, мақсадларга етувчи» каби исмининг маъноларига ишорат қилади. Балки, Бобур ўғилларини келажакда мана шундай яхши хулқларга, мартабаларга етишишлари учун ҳам мана шундай мўътабар асарга қўл урган.

Бу асар нафақат Бобуршоҳ ўғилларига давлатни бошқаришда дастуриламал бўлди, балки неча асрлар давомида мусулмон аҳли учун ҳам тўғри йўл кўрсатадиган қўлланма сифатида ҳозиргача барча халқлар томонидан қадрланиб келинмоқда.

Бобур «Мубаййин» асарини якунлар экан, бу асарни ёзишдан мақсад шоирлик маҳоратини кўрсатиш эмас, балки ҳақ йўлида билган диний билимларини баён этиб, олам аҳлига сочишдан иборат эканлигини таъкидлайди:

Мен бу ганжимни ошкор эттим,
Борин дин аҳлиға нисор эттим.
Ушбуларким дедим бўлунг огоҳ,
Бобурдурур борча холисан лиллоҳ.

Бу демактин ғараз Ҳақ эрдию бас,
Шеъру шоирлик эрмас эрди ҳавас [1, 166].

Демак, Бобурнинг «Мубаййин» рисоласи диний аҳлоқий йўналишдаги ҳам, диний, ҳам адабий асардир. Бу асарни махсус илмий жиҳатдан ўрганиш энг аввал, Бобурнинг фалсафий ва диний-аҳлоқий қарашларини аниқлаш учун зарур бўлса, иккинчидан, бу асарнинг маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ва унинг диний ва бадиий адабиётнинг ёрқин намунаси сифатидаги тарихий асар бўлганлиги учун ҳам қадрланади.

Адабиётлар

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Мубаййин. – Т. : А. Қодирий, 2000.
2. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Т., 1993.
3. Ислом динининг асослари. – Т., 1991.
4. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т. : Фан, 1993.
5. Комилов Н. Тасаввуф : 1 китоб. – Т., 1996.
6. Мусулмонлик асослари. – Т. : Ёзувчи, 1993.

© **Маҳмудова Н.,** 2020

Н. Махмудова (Н. Маҳмудова),
Инглиз тили ўқитувчиси, Фарғона шаҳар (Ўзбекистон)

Аннотация: Статья посвящена роли Бабура в развитии узбекского литературного языка. Захириддин Мухаммад Бабур является одним из основоположников не только поэтического, но и прозаического жанра. Труд «Бабур-наме» считается произведением особой важности для узбекского языка. Характерная черта творчества Бабура – простота его языка. Бабур в своих произведениях искусно использовал такие художественные языковые приемы, как параллелизм, противопоставление, аналогия, преувеличение. При этом Бабур стремился в своих сочинениях приблизить литературный язык к разговорному.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИДА БОБУР АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Президентимиз Ш. М. Мирзиёев айтганларидек, «Бизнинг минтақамиз, авваламбор, бугунги Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек тили насрий жанрининг асосчилари орасида катта салобатни эгаллайди. Унинг «Бобурнома» асари катта аҳамиятга эга бўлган мемуар ҳисобланади. Бобур асарларининг ижобий томонларидан бири - тилининг соддалигидадир. У асарларини содда тилда ёзади. Бошқаларни ҳам шундай ёзишга чақиради. Бобур параллеллизм, тазод, лоф, ўхшатиш, муболаға каби бадиий тил воситаларидан қўллайди. Бобур халқ оғзаки ижодидан аскиячилик маҳоратини ўрганди. Натижада у омонима ва полисемантик сўзлардан ҳамда сўз ўйинларидан усталик билан фойдаланиб, ўзбек тилида туюқларнинг ажойиб намуналарини яратди.

Бобур бадиий проза намунаси бўлган «Бобурнома»ни Ҳиндистонда эски ўзбек тилида яратди. Бу асар ўз даврига нисбатан содда ва образли тилда ёзилган. «Бобурнома» асари жуда қимматли тарихий-бадиий асар бўлиб, унда Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг XV аср охири, XVI аср бошларидаги аҳволи, географияси, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ўз аксини топди. «Бобурнома» да воқеа-ҳодисалар кунма-кун, йилма-йил тадрижий тартибда берилиб, Бобур тахтга чиққанидан умрининг охиригача (1494-1530) бўлган даврни ўз ичига олади.

У энцикдопедик асардир, яъни шоҳ асар «Бобурнома»да илмий маълумотларнинг беҳад кўплиги ва улар ҳозирги тармоқлашган фанларнинг кўплаб соҳаларига мансублигини инобатга олган ҳолда, “Вақоеъ”-«Бобурнома»ни қомусий энциклопедик асар дейиш мумкиндир

«Бобурнома» XV аср охири XVI аср бошларидаги тарихий воқеаларни тўғри акс эттириш жиҳатидангина қимматли бўлиб қолмай, у ўша даврдаги ўзбек тили аҳволини ўрганиш учун ҳам муҳим манба ҳисобланади.

«Бобурнома» асари орқали Бобурнинг халқ жонли тилининг бойликлари чуқур ўрганилиб ва эгаллаб олганлиги, адабий тилни халқ жонли тилига яқинлаштириш учун ҳаракат қилганлиги яққол кўринади. Бобур тилни бойитишга ва соддалаштиришга, барқарор қўлланилмаган кўп сўзларни ишлатишга ҳаракат қилди ва улардан ўринли фойдаланди.

«Бобурнома» асарининг мазмуни ва тилини бойитиш учун Бобур халқ мақоллари ҳамда ибораларига катта эътибор берди. У фақат ўзбек мақолларидангина эмас, балки форс-тожик тили мақолларидан ҳам фойдаланди. Булар асар тилининг ширали, оммага тушунарли бўлиши учун хизмат қилди. Масалан, *Капудагини капмаса, каригунча куйдурур. Козлерини туз тутти. Душман не демас, тушке, не кирмас. Дах кужаву дарахтан кужаву (Қишлоқ қайдаю, дарахтлар қайда). Узраш баттар аз гунах (Узр гунохдан ёмонроқ). Ан гузарра аб бурд (У кўчани сув олиб кетди). Мард баяран сур аст (Дўстлар билан бирга бўлиб ўлмоқ туйдир).*

«Бобурнома» тилининг муҳим хусусиятларидан бири ифоданинг ихчамлиги, соддалиги ва равонлигидир. Бунинг учун у сўзларни танлаб ишлатишга, оз сўз билан кўпроқ фикрни баён этишга ҳаракат қилди. Ўзбек тилининг сўз бойлигидан ижодий фойдаланди, ундаги синоним, омоним ва антоним сўзларни кенг ва ўринли ишлатди.

«Бобурнома»да фикрлар кўпроқ содда гап формасида берилади. Қўшма гаплар ҳам содда гапларга ўхшаш тузилишда бўлиб, осонлик билан таркибий компонентларга ажралади: *Ту анда еткунче, менинг билен секиз киши калиб эди.* Бобур Андижон ва унинг атрофидаги шаҳарлар ҳақида маълумот берар экан, улар ҳақида мураккаб бўлмаган, ихчам жумлалар билан фикр юритади: *«Мовароуннахр, Самарқанд ва Кеш кўрганидин сўнгра мундин улуграк кўрган ёкдур, уч давраси бор. Арки жануб тарафида ваке болуптур. Токкуз тарнав сув кирер. Бу ажабтурким, бир ердан ҳам чикмас».*

Бу парчани ҳозирги замон китобхони ҳам луғатсиз тушуна олади. «Бобурнома» тилининг турланиш категорияси ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бошқа ёдгорликлардаги каби унда ҳам чиқиш келишиги ***-дин,*** аффикси орқали ясалади. Қолган келишик қўшимчалари ҳозирги ўзбек тилидаги келишик қўшимчаларига ўхшаш. Масалан, *Андижон суйи Оштин келур, Ахси суйи Касандин келер*. «Бобурнома»да қаратқич билан тушум, ўрин-пайт билан жўналиш ва ўрин-пайт билан чиқиш келишиклари бир-бирининг ўрнида қўлланади: *Хожандда келиб эди. Жахандир Миразака Танбал такасига келиб эди. Ҳинд фатхида сонг.*

Абстракт эгалик маъносини ифодаловчи ***-ники*** аффикисининг вазифасини қаратқич келишигининг қўшимчаси ***–нинг*** қўшимчаси бажаради: *Ҳар вилаятким, мусаххар болса, чахар данг мирзанинг болдай, ду данг анинг. ҳу билан бирга*. Баъзан бу маънода ***-ники*** аффикси қўлланиши ҳам учрайди: *Конгулде уд эди ким, . . . шайх Баязидни Танбалдин айриб бизники болдай.*

«Бобурнома»да нисбий сифат ва абстракт отлар ясаш учун ***–лиг, - лик*** аффикси ишлатилади: *Бу аталук, огуллик Тамбалга аркаланиб бундай ҳаракатлар бунёд қилдилар.*

«Бобурнома» тилида ҳозирги ўзбек тилига хос бўлган ***–та*** билан ясалган доналик сонлар; ***-тадан*** билан ясалган улуш сонлар; ***- тача*** билан ясалган чама сонлар; ***–лаб*** билан ясалган айирув-улуш сонлар учрамайди.

Айирув-улуш сонлар асосан ***-р (-рер)*** аффикси билан, чама сонлар эса синтактик йўл билан ясалган: *Сипахи ва раияти наумед болуб бирер-иккирер каргандин ташлаб кача киришдилер. Юз чаглик.*

Учинчи шахс келишик олмоши сон ва келишиклар билан турланганда қадимги формаси намоён бўлади: *ул-анў, анинг, анга, андин.*

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги сўроқ олмошларидан ташқари, *не, нечук, кату* олмошлари мавжуд.

Ҳозирги ўзбек тилида равишлар «Бобурнома»да ҳам учрайди, лекин унда ҳозирги тилда бўлмаган *азру (кўп, жуда кўп) отру, рўбарў (қарама-қарши)* равишлар жуда кўп ишлатилган. «Бобурнома»да қўлланган *сўнг* кўмакчилари ҳозирги кўмакчисининг *сайи* варианти, *билен* кўмакчисининг *биле, бирле, иле* вариантлари мавжуд. *Олд* ва *ён* кўмакчилари ўрнида кўпроқ *каш* кўмакчиси ишлатилади: *Сонгралар Султон Махмудхон кашига барди.*

«Бобурнома»да ўтимли феълларнинг мажҳул даражалари формаси тушум келишигидаги отларни бошқариш хусусиятига эга. Бу форма ҳозирги ўзбек тилида учрамайди: *Урдунинг ва урду отрусини мазбуд ва мустаҳкам килди*. Ҳозирги келаси замон феъли ***-адур, -юдур*** аффикси ёрдамида ҳосил бўлади: *келедурмен, келедурсан* каби.

«Бобурнома»да эски уйғур тилига хос баъзи замон формалари мавжуд. Улардан бири ***-гу*** аффиксли замон феълидир: *келдум, келгунг, келгуси* каби. «Бобурнома»да ***-гу*** аффикисида бошқа аффиксларнинг бирикишидан ҳосил бўлувчи иш-ҳаракат оти кенг қўлланган: *баргулик,баргусиз, баргучи* каби. Буйруқ-истак майлининг 1 шахс формаси ***-алинг*** билан ясалган тури кенг тарқалган: *Хан кашига Ташкентга баралинг.* «Бобурнома»да сифатдошнинг асосан ***-ган, -ген,***

-адурган, -едурган, -р афикслари билан ҳосил бўлувчи формалари қўлланган: *борган, келган, борадирган, келадурган, барур, келур* каби. «Бобурнома»да ***–а, -е*** аффикси билан ҳосил бўлувчи равишдош формаси кесим ва составли кесимнинг компоненти вазифасида ҳам қўлланган: *Дакиканинг макдари такрибан алти фатихани бисмилла били окугунчадир.*

Навоийда бўлганидек, ҳозирги-келаси замон феъли 1 шахс бирлигининг бўлишсиз формаси ***–ман, -мен*** аффикси билан ҳам ҳосил қилинади: *Билмен озлукидан бермедими ва юкаридан ишарат бодиму*. Инфинитивининг бўлишсиз формаси ***–ма, -ме*** аффикси орқали ифодаланади: *Иш капуга келген махалда жид ва тумамни таксир килмамак керак.*

Хуллас, Бобур дунёни ҳайратга солган йирик давлат ва маданият арбоби, моҳир саркарда, донишманд тарихчи, заковатли олим ва таржимондир.

Ўзбек адабиётида «Бобурнома»нинг тарихий аҳамияти чексиздир. Унинг ўзбек адабиёти кейинги тараққиётига таъсири жуда ҳам каттадир. Тил тараққиёти давомида содир бўлган лингвистик ҳодмсаларни талқин қилишда, сўз этимологиясини ёритишда «Бобурнома»нинг ўрни беқиёсдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарларини тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ қилиш биз филологлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев, Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш-давр талаби мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. – Т., 2017.
2. Бобур, З. М. Бобурнома. – Т. : Юлдузча, 1988.

© **Маҳмудова Н.,** 2020

В. А. Мелиева,
студентка УзГУМЯ, г. Ташкент (Узбекистан)

ПРИЧИНЫ, ПО КОТОРЫМ БАБУРУ ПРИШЛОСЬ ПОКИНУТЬ САМАРКАНД

Захириддин Мухаммад Бабур является великой личностью, преданным сыном своей Родины и до конца своих дней он боролся за её благополучие. Большую часть своей жизни Бабур провёл в военных походах и сражениях. Он безуспешно пытался объединить разрозненные области Мавераннахра и создать новое великое государство Тимуридов. Самими главными сражениями на пути к объединению Мавераннахра были походы на Самарканд, некогда являвшейся столицей Тимуридов.

После захвата Самарканда мужем тети Бабура, также мужем его двоюродной сестры, но одновременно его политическим противником – Шейбани-ханом – он писал: «Почти сто сорок лет столичный город Самарканд принадлежал нашему дому, неизвестно откуда взявшийся узбек, чужак и враг пришел и захватил его!» [1].

Предводители Самарканда неоднократно писали Бабуру письма с просьбами освободить их, свергнуть Шейбани-хана и занять трон. Заинтересованный в объединении династии, Бабур осенью 1500 года начинает поход на Самарканд. Население Самарканда открыло ворота войскам Бабура, которые начали наступление. Войско Шейбани-хана из 600 человек, оставленных в городе, было уничтожено. Таким образом, Бабур вторично занял престол Самарканда.

Шейбани-хан отступает к Бухаре и готовится к решающему сражению. Бабур также всю зиму готовится к войне. В апреле 1501 года вблизи селения Сарипул на берегу Зарафшана произошло кровопролитное сражение, в котором Бабур терпит поражение и отступает к Самарканду. Победив, Шейбани-хан начинает осаду Самарканда и предлагает Бабуру сдаться. Как ни тяжелы были условия сдачи, Бабур вынужден был согласиться.

Бабур был вынужден оставить Самарканд и, перенеся множество тягот, отправляется в далекие земли и скитается много лет. В 1510 году, после гибели Шейбанихана, у Бабура появляется надежда вернуть Мавераннахр, отобрав его у Шейбанидов с помощью шаха Исмаила. По этой причине он с распростертыми объятиями встречает в Кабуле послов шаха Исмаила. Послы шаха предлагают Бабуру совместно стянуть войска к Самарканду, на что Бабур отвечает согласием [2].

Осенью 1511 года, с помощью шаха Исмаила, Бабур в третий раз завоевывает Самарканд. И именно этот поход сыграл большую роль в жизни Бабура. Народ Самарканда открыл ему двери. Бабур не ожидал, что с таким почетом будет встречен на родине, которую некогда покинул униженным и бездомным. Позади Бабуровой охраны, в пышных чалмах с алыми знаками гарцуют беки кызылбашей: Ахмадбек Суфи-оглы, Шахрухбек Афшар, визирь

Мухаммаджан и другие. Со всех сторон играли карнаи и сурнаи, но когда мимо проезжают кызылбаши, то враз умолкают карнаи, сурнаи и барабаны. Ведь о жестокости кызылбашей, о том, что они насильственно обращают людей в шиитов, ходят жуткие слухи. Суннитское население с беспокойством и неприязнью смотрело на чужеземное войско – сильное, многотысячное. Беки-кызылбаши чувствуют этот холод; оказываемые Бабуру почет и уважение раздражают их. Придя на главную площадь, Бабур объявил Исмаила Сефеви верховным правителем, что горожане конечно же не одобрили. Бабур постарался пробудить чувства гостеприимства у своих соотечественников, устроив пир для населения и гостей – три дня подряд люди веселились. Но самым главным событием являлась пятничная молитва, которую ожидал каждый. Обширная беломраморная соборная мечеть гудит от голосов тысяч и тысяч людей, собравшихся здесь. Многие самаркандцы собственными ушами хотели бы услышать, как будет прочитана хутба – проповедь. Приумножаются слухи: «Мирза Бабур перешел на сторону шиитов, он отвернулся от святых халифов, признал двенадцать имамов!» В какой-то момент стражники перестали пускать кого-либо в мечеть и закрыли ворота. Наконец, через заднюю калитку в мечеть вошли шейх-уль-ислам Ходжа Халифа, Бабур, Касымбек, группа начальствующих кызылбашей. Увидев двадцать тысяч людей в четырехслойных чалмах, показывая этим свое принадлежность к суннитскому течению, Бабур встревожился, поймут ли они его игру, его притворство. Шейх-уль-ислам Ходжа Халифа прочитал перед прихожанами пятничный намаз, затем поднялся на возвышение в глубине мечети. Подошел миг начала хутбы. Посол кызылбашей, визирь Мухаммаджан раздраженно перевел взгляд с суннитских чалм на чалму Ходжи Халифы. Слоев накрутил больше четырех – видно; однако и не двенадцать – тоже видно. А сколько точно – не сосчитаешь. И чалмы Бабура и Касымбека – такие же. На протяжении всей хутбы Ходжа Халифа плотью своей ощущал впивающиеся в него взгляды тысяч людей. В один момент побоявшийся духов Халифов Ходжа Халифа начал выкрикивать имена Халифов по очереди, на что горожане успокоились, но, когда начал возвышать имена 12 имамов, все начали перешептываться. Бабур хотел как можно скорее отправить «дорогих гостей» обратно в Иран. Один раз он-таки появился на троне в той самой двенадцатислойной чалме, что прислал в дар шах Исмаил. И начеканил несколько тысяч таньга с изображением Исмаила. Эти деньги он выплатил кызылбашам.

Но недовольство народа росло. Сподвижники Шейбани-ханов разносили разные слухи, лишь бы жители Самарканда были недовольны Бабуром. Ведь вражда суннитов и шиитов все чаще приводила к кровавым столкновениям. И Убайдулла-хан этого и добивался: рассеять хаос среди сословия. Какие беды ни случались бы, жители винили во всем решение Бабура, союзника Исмаила, он натравил гнев Халифов на народ.

Убайдулла-хан, услышав, что Бабур идет из Самарканда с 30 тысячной армией, сделал маневр и свернул в пустыню. И Бабур принял ошибочное решение направить свое войско в глубь барханов. Часть войска Бабура застряла

в пустыне среди сыпучих песков, их кони двигались медленно. И он потерял часть своего войска. К нему на помощь пришел доверенный человек Исмаила Нажми Сони, но и он пал в гиждуванской битве. Бабур отступил. Он через Байсун прошел в гиссарский Каратаг и остановился на ночь. Юрта, в которой спала Ханзода-бегим с сыном и служанкой, находилась рядом с Бабуровой. На них напали, чтобы спастись, Хонзода-бегим бежала со своим сыном, но по дороге ее сына Хуррамшаха пристрелили. Бабур очень сильно горевал из-за смерти племянника [4].

Неудачный исход последних войн, потеря войск, недовольство народа, а особенно горе от утраты племянника, и подавленный в результате столкновения с жизненными обстоятельствами, Бабур был вынужден покинуть Самарканд.

Бабур не знал, что его ожидает в новом месте, но это не было преградой на пути к завоеванию Индии и установления там господства. Ставший одним из богатейших падишахов того времени, он все равно скучал по родной земле – Мавераннахру. Его страдание по родной земле было заметно во многих его мемуарах.

Ты на чужбине – и забыт, конечно, человек!
Жалеет только сам себя сердечно человек.
В своих скитаньях ни на час я радости не знал!
По милой родине скорбит извечно человек [3].

Литература

1. Бабур, Захир ад-Дин. Бабур-наме. – [б. м.], 1957. – с. 101.
2. Борьба Бабура с Шейбаниханом [Электронный ресурс]. – URL: http://testhistory.ru/history.php?id=his_2_12 (дата обращения – 20.02.2020).
3. Захириддин Мухаммад Бабур: ценитель духовности и гуманизма // Народное слово. – 2014.
4. Кадыров Пиримкул. Бабур: Звездные ночи : роман. – Т. : Шарк, 2012. – 544 с.

© **Мелиева В. А.**, 2020

Б. Мирзарахимов (B. Mirzarahimov),
Farg'ona davlat universiteti, Falsafa kafedrasi o'qituvchisi,
Farg'ona (O'zbekiston)

Аннотация: Статья посвящена внешнеполитической деятельности Захириддина Мухаммада Бабура и Бабуридов, которая характеризовалась развитием взаимовыгодных связей с соседними государствами и была направлена на политическое и экономическое усиление империи. Автор статьи отмечает религиозную терпимость Бабура и описывает его взгляд на проблему религиозного многообразия в государстве.

BOBUR VA BOBURIYLAR TASHQI SIYOSATIGA OID AYRIM MULOHAZALAR

Boburiylar jahon siyosatida o'chmas iz qoldiribgina qolmay, ular olib borgan tashqi siyosat, iqtisod, o'z davrida Boburiy shahzodalar mohir siyosatchi bo'lganidan darak beradi. Xalqaro maydonda Boburiylar davlatining alohida harakatlanishiga undaydigan va har bir harakat natijasi uning yuksalishiga muhim omil bo'lib hizmat qilgan.

Boburiylar siyosati dunyoning qator olimlari va tarixchilari tamonidan uzoq vaqtlar davomida o'rganib kelingan. Sulolaga mansub hukumdorlar haqida so'z borar ekan, ular Turkistonni o'zlarining «xaqiqiy» ona yurtlari va temuriylardan meros qolgan hudud deb qarashlari ularni ikki asr ya`ni Hindistonda musulmonlar hukumronlik qilgan, eng diqqatga sazovor davrda davlatni boshqargan birinchi olti boburiy, ularni ko'pchiligi Turkistonni ko'rmagan bo'lsada, "ona" yurti deb bilib mustahkam aloqalarni o'rnatib kelganliklarini ko'ramiz.

Boburiylar Hindistonda o'z hukmronliklarini mustahkamlab olganlaridan so'ng, tashqi dunyo hukmdorlari ularni temuriylar honadoni davomchilari sifatida tan olishni lozim topdilar. Xususan, Eron shohi shoh Abbos Jahongirga yo'llagan hatida «ushbu nomani Ko'ragon taxtida o'tirgan zotga va Temur tojining merosxo'riga yo'llayman» deb yozgan edi.

Bobur hind yurishi arafasida mahalliy hindparast aholining ruhiyati va kayfiyatini o'rgangan amerikalik muarrih Persival Speyir, juda muhtasar ravishda jamiyatda hukim surgan siyosiy ahvol haqida bayon etgan. Uni ta`kidlashicha «Induizimda intelektual va sotsial faollik mavjud bo'lishiga qaramay u har ikki jihatdan ham o'ziga nisbatan ters g'oyalari, kuch qudrati va tajribasiga ega islomga moslashganligi uchun, hindlar o'sha kezlari biror bir katta harakatlar olib borishga tayyor emas edi».

Shu yerda yana bir tarixchi Ibn Battutaning esdaliklarida qayd etilgan iboralarga nazar tashlaydigan bo'lsak "Barqarorlikda yashash uchun hindlarni zo'rlab islomga o'tkazish kutilgan natijalarni bermaganligi va shundan so'ng talay mahalliy hukumdorlar ularga bag'ri kenglik bilan munosabatda bo'lganligini ta`kidlab o'tgan".

Bobur Hindistonda o'z mavqeyini tiklash borasida katta to'siqlarga to'g'ri kelganini ko'rishimiz mumkun. Ammo uni olib borgan siyosati, mahalliy aholidan

davlat ishlarida jalb etilishga tushganliklari, Bobur tashqi va ichki siyosatining asosiy yo'nalishlaridan biri bo'lgan. Bobur o'z tashqi siyosatini belgilashda har tamonlama munosabatlarni inobatga olgan holda olib bordi. U davlatni mustahkamlab olgunga qadar qo'shni davlatlar bilan o'zaro siyosiy diplomatik munosabatlarni rivojlantirishi uni tashqi siyosatni to'g'ri belgilagani, davlatda ichki siyosatiga monand ravishda olib borgani g'arb olimlari tamonidan yuksak boholangan. Bobur davlat tepasiga kelgandan boshlab toki ketgunga qadar olib borgan siyosati shu bilan diqqatga sazovorki, Bobur barpo etgan markazlashgan davlatning eng hayotbahsh harakterli hususiyati, ya`ni diniy murosalik ruhiyati, kelgusida uning salkam uch asrlik tarixga ega bo'lgan «Buyuk mo'g'ullar» atalmish mahalliy-hind sulolasi maqomini bahsh etdi.

Bobur haqida biri ikkinchisini takrorlamaydigan, inkor etuvchi tahlillarga duch kelamiz. Boburiylar tashqi siyosatini tadqiq etishning nazariy asoslarini S. Len-Pul, Denison Ross, K. A. Antonova, U. Erskin, X. Lamb va S. Azimjonova kabi tadqiqodchilarning ilmiy-tadqiqiy xulosalari so'zsiz e`tiborga sazovordir.

Boburning davlat arbobi bilimdon siyosatchilarga xos hususiyatlari Shimoliy Hindiston sharoitida eng nozik hindlarga nisbatan diniy muholifatda bo'lishdan voz kechish kabi masalalarga nisbatan to'g'ri yondashishi hal qiluvchi rol o'ynaydi.

Bobur vafotidan so'ng bir muddat siyosiy tarqoqlik yuzaga kelgan bo'lsada, Akbarshoh bobosi kabi 13 yoshida Bayramxon ko'magida davlat tepasiga kelgan bo'lsada, u huddi Boburshoh singari iqtidorli siyosatchi bo'lib shakllandi. U markazlashgan davlatga asos sola oldi va Hindiston yarim orolini birlashtirdi, barqaror siyosiy mustaqil davlatga asos soldi.

Amerikalik tarixchi olim Richard Fol'ts o'z kitobida boburiylar siyosatiga shunday tarif beradi «O'sha davrda musulmon dunyosi ko'p jihatdan bir dunyo edi». Bu yerda u islom madaniyatining birlashtiruvchi kuch ekanini ta`kidlaydi. O'sha davr Hindistoni madaniyati uchun yot bo'lgan islom madaniyatining yoyilishida Bobur va boburiylar sulolasi vakillarining o'rnini alohida e`tirof etish o'rinlidir.

Hindistonlik tarixchi olim Ramech Chandra Varma o'zining «Akbar and Abdulla Khan» ("Akbar va Abdullahon") asarida Turkiston bilan Hindiston o'rtasidagi munosabatlarni Akbarshoh davrida rivojlanish cho'qqisiga chiqqanini, Abdullahon elchisi Oltamish Akbar huzuriga kelganini va shu elchi orqali Akbarshoh Abdullahon bilan do'stlik munosabatini o'rnatishga rozi ekanini bildiradi.

Davlat arbobi Javoharlal Neru Akbarshohga quyidagicha ta`rif berdi «Nihol ekilgandan so'ng uni mevasini sifatiga qarab baholansa, yagona Hindiston haqidagi ko'hna orzuni qayta tiklagan Akbarshoh davri, huddi o'sha Bobur davlat arbobi sifatida hind sarzaminiga o'tkazgan niholning mevasi emasmidi?»

Nizomiddinovning «Hindistonda islom: tarix, ijtimoiy-siyosiy hayot va hind-musulmon madaniyati» nomli asarida Javaxarlal Neruning Akbarshohga bergan yana bir ta`rifida «Akbarshoh boburiylar tarixida birinchi marta tili, dini e`tiqodi, urf-odati va shuningdek, iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, madaniy jihatdan turli taraqqiyot bosqichlaridagi halqlar, elatlar va qabilalardan iborat halqlardan tashkil topgan misli ko'rilmagan qudratli davlatga ega bo'ldi» va «Buyuk mo'g'ullar" davlati faqat Akbar davriga kelib Hindistonda hind saltanati qiyofasida qaror topdi».

Albatta, Boburiylar tashqi siyosatini o'rganishda Javoharlal Neruning manbalariga tayanib, Bobur singari Akbarshoh ham Hindiston tashqi siyosatini puxta ko'zlangan strategiya asosida olib borganini ko'rishimiz mumkun. Akbarshoh bu qadar harbiy, siyosiy, iqtisodiy kuchga hamda geografik kengliklarga ega saltanat asoschisi bo'lish bilan birga, tashqi siyosatga o'z faoliyati davomida o'ziga yaqin qo'shni davlatlar bilan siyosiy munosabatlarida maktubot omiliga ham katta siyosiy-diplomatik ahamiyat bergan. Ana shunday hujjatlar sirasidan sanalgan va saqlangan «Akbarshoh G'oziyning Turon mamlakati sipohdori Abdullaxon O'zbekka hitobnomasi»da Akbarshoh kuchli siyosatchi va mohir diplomat bo'lganidan darak baradi. Shu bilan birga u tashqi siyosatni olib borishda mamlakat ichki siyosat barqarorligini ta`minlashga qaratilgani, o'sha davrdayoq boshqa davlatlar ichki ishlariga aralashmasligi, diniy nizolarga siyosiy tus bermasdan o'z aqli va zakovati bilan hal etishi uni kuchli diplomat bo'ganidan darak beradi.

G'arb olimlari ta`kidlashicha Akbarshoh saltanatining kelgusi taraqqiyoti uchun zarur bo'lgan hind hamjamiyati ikki e`tiqod, yani hind-musulmon birligiga, ularni faqat o'zaro ruhan yaqinlashtirish orqali erishish mumkunligi Akbarshoh oldindan bilgan va kuchli diplomat ekanligi bois, shu bilan birga bu ishda bhaktizm, so'fizm va sikhiyzm g'oyalardan habardor bo'lganligi va uni fikri erkin bo'lganligi bois muammolarga barham bergani, Akbarshoh ichki siyosat kabi tashqi siyosatni yo'lga qo'ya olgan dunyo shohlari orasida buyuk hurmatga sazovor deb bilishgan.

Shunisi haqiqatki, Akbarshoh yoshi ulg'ayishi bilan an`anaviy musulmon dunyoqarashlarga nisbatan munosabatida o'zgarishlar sezila boshladi. Bu esa uni avvalo diniy e`tiqod qarashlarga bo'lgan o'ziga xos qarashlari, hususiyatlari ustivorligidan edi. Akbarshohning o'zga diniy ta`limot va madaniyatga bo'lgan jonli qiziqishi ulamolarda norozilik kayfiyatini kuchaytirsada, hukumdorni shahsiyatida o'z fikr-mulohazalaridek qat`iylik shunchalik ifoda topa bordi. Bundan shuni bilish mumkunki, Akbarshoh davlat ichki-tashqi siyosatini belgilashda o'zining bilimlariga tayangan va vaziyatni to'g'ri baholab qaror qabul qila olgan mohir diplomat bo'lgan.

Tashqi siyotasatni amalga oshiruvchi diplomatiyada boburiylar juda ham ehtiyotkorlik bilan tashqi siyosat olib borganlar. Boburiylar elchilarni tanlashda boshqalarni hayratga soladigan kuchli, salohiyatli diniy, dunyoviy bilim etuk bo'lgan shahslarni tanlaganlar. Richard Fol'ts bu holatni shunday ta`riflaydi. "Shuni ta`kidlash lozimki, islom dunyosida qabul qilingan an`anaga bog'liq elchilik lavozimiga ko'pincha din arboblari tayinlangan. Bu borada yana shuni nazarda tutish kerakki, ayrim hollarda yomon habar olib kelgan elchilarni qatl qilinmasliklari uchun shunday qilingan". Demak, Bobur va uning avlodlari Hindistonda bo'lishidan qat`iy nazar, ular islom dini va uning amallarini mukammal bilishgan. Shu sababli ham ular elchilarni din arboblaridan tanlaganlar, chunki boburiylarning asosiy diplomatiyasi Sharq davlatlari bilan, ya`ni Turkiston, Afg'oniston, Eron kabi islom davlatlari bilan olib borgan. Davlatlarga din arboblarining elchi sifatida yuborilishi ular o'rtasidagi munosabatlarning yanada kuchliroq rivojlanishiga zamin yaratgan. Demak, musulmon birodarligi, islom omili ularni har doim birlashtirib turgan. Ular o'zlarining elchilar orqali jo'natgan maktublarida Islom dinining muqaddas kitobi Quroni Karimdan

keltirilgan Sura oyatlari bilan o'zlarini munosabatlarini bildirgan. Shu sababdan ham Richard Folts bunga katta ahamiyat bergandir.

Boburiylar tashqi siyosatida madaniy diplomatiya ham muhim ahamiyat kasb etgan. Akbarshoh yuborayotgan elchilarga borgan mamlakatlarida qanday madaniy yodgorliklar, yoki yangiliklar bo'lsa, ularni ko'rib yoki ulardan nusxa olib qaytishni buyuradi. Shu sababdan boburiylar saltanatiga borgan Sharq olim va ulamolarining noyob kitoblari hali hanuz yevropalik, amerikalik va boshqa yurt tadqiqotchilari tomonidan o'rganilmoqda. Masalan, elchi Hakim Humom Akbarshoh uchun sulton Husayn tomonidan yozilgan kabutarlar haqidagi kitobdan ikki nusxadan olib qaytdi.

Turkiston va Hindistondagi boburiylar imperiyasi o'rtasidagi siyosiy diplomatiyani tahlil etar ekanmiz, bu aloqalar ko'proq ikki tomonning safaviylar sulolasi hukumronlik qilgan Eronga qarshi kurashda ittifoq tuzish rejasini amalga oshirishni ko'zlab olib borganini tahmin qilish mumkin. Bu borada uchchala tomon ham muayyan manfaatlarni ko'zlab, ya`ni o'z chegaralariga yaqin hududlarni, xususan Xuroson va hozirgi Afg'oniston yerlari ustidan nazorat o'rnatish uchun kurash olib borganligini ko'rishimiz mumkin.

Hindiston boburiylar davrida iqtisodiy, siyosiy, barqarorlik hukm surganini amerikalik olim Richard Fol'tsninig quyidagi fikrlaridan bilish mumkin. Ko'plab nufuzga ega bo'lgan turkistonliklar Hindistonga kelib, boburiylar hizmatiga o'tdi. Ularga saroyda katta amallar va yerlar tortiq qilindi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Boburiylar olib borgan tashqi siyosat dunyo sharqshunos va tarixchi olimlari tamonidan o'rganildi. Yuqorida qayd etganimdek, boburiylar tashqi siyosatining ko'p jihatlari tadqiq etilgan va ular olib borgan tashqi siyosat o'zining ayrim hususiyatlari bilan taqsinga loyiqdir. Boburiylar tashqi va ichki siyosatida islom omili muhim ahamiyat kasb etadi. Ular islom diniga va musulmonlarga o'zgacha hurmat bilan qaraganlar. Islom diniga bo'lgan kuchli so'nmas e`tiqodi sababli ular Eronga qulay fursat tug'ilganda ham yurish qilmadilar, bu esa ularni naqadar kuchli e`tiqodidan, mohir diplomatligidan dalolat beradi.

Adabiyotlar

1. Бернье Ф. История последних политических переворотов в государстве Великих Моголов / пер. с французского Б. Жуховецкого и М. Томара. – М. ; Л. : Соцэкгиз, 1936. – Б. 89.
2. Бобур ва Бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни / Халқаро илмий анжуман материаллари. – Т. : ЎзРФА, 2008. – Б. 35.
3. Низомиддинов И. Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. – Т. : ЎзРФА, 2008. – Б. 101-112.
4. Семёнов А. А. К вопросу о культурно-политических связях Бухары и Великомогольской Индии : материалы 2-го совещания археологов и этнографов Средней Азии. – М. : АН СССР, 1959. – С. 153.
5. Синха Н. К., Банержи А.Ч. История Индии. – М., 1954. – С. 242.
6. Ўзбек дипломатияси тарихидан / Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети. – Т., 2003. – Б. 112.

7. Ўзбекистон дипломатияси тарихидан, тарихий очерклар ва лавҳалар. – Т. : ЖИДУ, 2003. – Б. 105.
8. Foltz, Richard C.. Mughal India and Central Asia. – Oxford, 1998. – P. 23.
9. Ramesh Chandra Varma. Akbar and Abdulla Khan // Islamic Culture. – Vol. XXI, № 2. – Hyderabad, 1947. – P. 330.

© **Mirzarahimov B.,** 2020

С. Э. Михайлов,
студент ИСАА МГУ, г. Москва

РЕЛИГИОЗНАЯ ПОЛИТИКА БАБУРА В ИНДИИ: ПРИЧИНЫ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Захириддин Мухаммад Бабур (Андижан, 1483 г. – Агра, 1530 г.) являлся основателем мусульманской династии Великих Моголов и падишахом империи с 1526 по 1530 гг. В тот период религия играла огромную роль в жизни как отдельного человека, так и общества в целом, являясь как объединяющим началом, так и предметом, вокруг которого постоянно возникали конфликты. Особые трения возникали, когда религиозные постулаты завоевателей в корне расходились с таковыми покоренных. К бремени масс добавлялся еще и религиозный гнет, что являлось серьёзным фактором дестабилизации внутреннего положения империи, распылению ресурсов правящей верхушки и, в конечном счете, ослаблению и гибели государства. Для установления прочного владычества своей династии на новопокоренных землях, населенных преимущественно политеистами, Бабур старался придерживаться политики равного отношения государства к людям вне зависимости от их конфессиональной принадлежности.

Следует отметить, что в Мавераннахре и Хорасане официальной идеологией, которой придерживались правители династии Тимуридов, был ислам суннитского толка [2], с XII в. на территории Центральной Азии доминирующим становится ханафитский мазхаб [4, 102], наиболее терпимо относящийся к местным традициям и правовым обычаям. Именно благодаря деятельности позиции этой школы шариата мусульманские правители вынуждены были, к примеру, признать статус «людей Писания» за буддистами, индусами и джаинистами, что сообщало им ряд юридических прав и согласно шариату [4, 103]. Не удивительно, что улемы именно ханафитского мазхаба имели в дальнейшем наибольшее влияние на работу государственного аппарата в основанной Бабуром империи, что открывало широкие перспективы компромиссу между системами шариата и местного права.

Однако к началу XV в. суфийские идеи, отодвинувшие философские идеи перипатетиков на задний план, становятся определяющими в духовной жизни общества. Суфии на первый план выдвигали человеческую личность с ее нравственными поисками. Хотя шариат ни в коем случае не отрицался членами братств, закон не обладал значительной ценностью для суфия, ищущего, в первую очередь, духовного возвышения [3, 112], что также ослабляло строгость и обязательность его неукоснительного соблюдения в целом. Наиболее влиятельным как в духовном, так и в практическом плане становится суфийский тарикат Накшбандийя [2], к которому принадлежали выдающиеся поэты и мыслители Джами, Навои и др. Суфии считали, что истинно верующий должен путем воспитания, приобщения к духовным ценностям исцелиться, отказаться от дурных, порочных поступков, идеалом становится человек, стремящийся к

самосовершенствованию через любовь к Богу, что само по себе контрастировало с внутренне оправдываемой ненавистью к «неверным». Члены братства Накшбандия утверждали, что только установлением мира и спокойствия может быть достигнуто процветание, благосостояние в стране, и долг правителя состоит в поддержании стабильности как у границ, так и внутри них, что, безусловно, повлияло на политическое мировоззрение Бабура.

Иным обстоятельством, оказавшим влияние на формирование этических координат основателя Захириддина являлась литературное наследие Насир ад-Дина Туси (1201–1273), в частности, «Насирова этика» и ряд иных произведений этического характера. Помимо традиционно важного места, которое в тексте книги занимают изречения из Корана и отрывки хадисов, особое внимание уделяется также тому, что можно назвать общечеловеческими ценностями. По Туси, целью политической организации общества является обеспечение кооперации и социальной справедливости. Шариат продолжает оставаться стержнем системы правосудия, но автор подчеркивает пластичность толкования его норм. К человеку должно относиться по сумме его нравственных качеств, и поскольку Бог относится с равным состраданием и к правоверным, и к «кафирам» в равной степени, само это разделение перестает играть какую-либо роль [3, 115].

Стоит также обратить внимание на поэзию как проводника гуманистических идей. После смерти Тамерлана в 1405 году эти традиции широкого покровительства писателям и поэтам были в значительной степени продолжены его потомками, а столицы государств стали центрами искусства и образования – в такой атмосфере росла элита мусульманских стран [5]. Интерес к человеческой индивидуальности, к ее внутреннему миру становится под влиянием суфизма характерной чертой литературы и искусства XV–XVI вв. [2] Именно акцент на внутреннее состояние человека, некоторая второстепенность шариата и вообще формальной религиозности, ощущение множественности путей мистического познания Бога толкает поэтов на эксперименты синкретического характера. К примеру, уже в XVI в. Абд аль-Вахед Билграми (1510–1608) стремился согласовать символы Вишну и символику индуистских песнопений с исламом [3, 117]. Таким образом, поэзия играла двоякую роль: она взращивала в представителях исламских правящих кругов терпимость к людям иных вероисповеданий с одной стороны, а с другой – создавала интеллектуальную площадку для консолидации мусульманских и местных правящих кругов, способствуя большей стабильности правления династии Великих Моголов. С именем Бабура также связано начало процесса серьезного культурного влияния Персии на Индийский субконтинент, что было поддержано его потомками [6].

Обратим внимание на ситуацию в Индии до прихода Моголов. Мусульманские правители осознавали несоответствие требований ислама и администрирования. В мусульманском понимании разделения на мирское и религиозное, в том числе в отношении юриспруденции, не проводилось. Однако шариат не представлял из себя адекватного инструмента для решений всех

